

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

“ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ”
“Диншунослик ва жаҳон динларини
қиёсий ўрганиш ЮНЕСКО” кафедраси
мудири _____
т.ф.н., доц. Д. Раҳимжонов
« ____ » _____ 2014 йил

Мухтаров Бекзодбек Муроджон ўғли

Мавзу: **ИЖТИМОЙ ОДОБ-АҲЛОҚ МАСАЛАЛАРИГА ОИД**
ҚУРЪОН ОЯТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Таълим йўналиши: 5220400 - Диншунослик

Бакалавр даражасини олиш учун тақдим этилган

битирув иши

Илмий раҳбар: катта ўқит. Б. Аҳмедов

Тақризчи: катта ўқит. А. Аллакулов

Тошкент-2014

МУНДАРИЖА

| | |
|--|----|
| Кириш | 3 |
| I БОБ. Қуръони каримда ахлоқ тушунчаси ва унинг оятлардаги талқини | 14 |
| 1.1. Ахлоқ, одоб тушунчаларининг моҳияти ва унинг Қуръони карим оятларида ёритилиши..... | 14 |
| 1.2. Одоб-ахлоқ масалаларига оид Қуръони карим оятларининг ўзига хос хусусиятлари..... | 24 |
| II БОБ. Ёшлар тарбиясида одоб-ахлоққа оид Қуръони карим оятларининг аҳамияти | 34 |
| 2.1. Ижтимоий одоб-ахлоқ масалаларини ҳал этиш ва ёшларни юксак ахлоқли қилиб тарбиялашда Қуръони карим оятларининг тутган ўрни..... | 34 |
| 2.2. Комил инсонни шакллантиришда Қуръони каримдаги ахлоқий қарашларнинг устувор хусусиятлари..... | 44 |
| Хулоса | 55 |
| Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати | 59 |
| Иловалар | 66 |

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги сўзсиз жамият аъзоларининг маънавий баркамоллигига боғлиқ. Давлатимиз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ ёш авлод тарбияси масаласига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Баркамол авлод тарбияси устувор йўналиши бўлган ҳозирги кунда инсонни комиллик даражасига етказишга хизмат қиладиган таълимотларни ўрганиш давр талабидир.

Президентимиз И.А.Каримов асарларида комил инсон тушунчаси ва уни тарбиялашнинг йўл-йўриқлари, моҳияти, тамойиллари таъкидлаб ўтилган. Унинг халқнинг ўтмиши ва келажаги, шон-шуҳрати ҳақидаги ҳар бир фикрида комил инсон ғояси, уни вояга етказишга қаратилган мулоҳазалари чуқур маъно топади. Комил инсон тарбияси мустақилликка эришган дастлабки кунларимиздан бошлаб, мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилинган. Бу борада Президентимизнинг: “Инсон маънавий оламининг юксалиши билан боғлиқ турли ҳолатлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин, мухтасар қилиб айтганда, Аллоҳнинг ўзи бизга буюрган комил инсон бўлиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш каби олийжаноб фазилатларнинг маъно-мазмунини нафақат чуқур англаш, балки ана шундай хусусиятларга эга бўлиш, уларга амал қилиб яшаш – одамзотнинг маънавий бойлигини белгилаб берадиган асосий мезон, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди”¹,- деган сўзларини амалга оширишда Қуръони каримдаги ижтимоий одоб-ахлоққа оид оятлар алоҳида аҳамият касб этади.

Миллий истиқлол ғояси ва мафкуравий муаммоларининг маънавий соҳадаги асосий вазифаларидан бири ота-боболаримиз динининг гуманистик моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтиришдир. Бу йўлда диний манбалар, хусусан Қуръони каримдаги ижтимоий одоб-ахлоқ масалаларига оид оятларни ўрганиш ва баркамол авлодни эзгу ғоялар асосида шакллантириш

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.– Т.: Маънавият, 2008. – Б. 25

муҳим йўналишлардандир. Мавзунинг долзарблиги қуйидаги жиҳатлар билан ҳам белгиланади:

Биринчидан, Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек; “Дин бизнинг қон-қонимизга, онгу шууримизга шу қадар теран сингиб кетганки, уни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай ташвиқот билан чиқариб бўлмайди. Халқимизнинг минг йиллик тарихини, бугунги маънавий ҳаётини, динудиёнатимизни мухтасар ифодалаб айтиш мумкинки, Аллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда”.²Шунингдек “Биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устивор соҳаси деб эълон қилганмиз. Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз”.³ Шунинг учун ҳам ислом динининг асосий манбаи бўлган Қуръони каримдаги одоб-ахлоққа оид оятларни тадқиқ этиш ва улардан комил инсонни тарбиялашда фойдаланиш зарурдир.

Иккинчидан, Ўтмишда бўлганидек, ҳозирги кунда ҳам дунёнинг турли бурчакларида, жумладан, мамлакатимизда диний экстремистик гуруҳлар пайдо бўлиб, улар ўзларининг ғаразли мақсадларини амалга ошириш, мусулмонларнинг онги ва тушунчасини чалкаштириш мақсадида Қуръон оятлари ва ҳадис маъноларини ўз фойда ва хоҳишларига буриш, Қуръон оятларини ўз қарашларига кўра тафсир қилиш билан шуғулланмоқдалар. Тинчликка раҳна солувчи бундай ғаламисларнинг ғаразли мақсадларини барбод қилиш, уларнинг Қуръон оятлари маъноларидан чиқарган хулосалари нақадар шариатдан узоқ сафсата эканлигини халқимизга исботлаб бериш, уларни дин асосларидан хабардор қилиш учун, мустақиллик берган имкониятлардан тўла фойдаланган ҳолда, Қуръон оятларининг маъноларини изчил ва чуқур ўрганиш, Қуръони каримдаги ҳар бир мавзуни кенг ва холис ёритиб бериш асосий вазифадир.

² Каримов И. А. Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда.-Т.:Ўзбекистон, 1999. – Б . 7.

³ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 77.

Бу эса экстремистик, ақидапарастлик ғояларига қарши туришда ва комил инсонни шакллантиришда асосий омилдир.

Учинчидан, одоб-ахлоққа оид оятларни инсон маънавий камолотининг миллий истиқлол ғояси тамойиллари асосида чуқур илмий ёритилиши ҳозирги даврда халқимиз маънавиятини яна ҳам юксалтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Тўртинчидан, Қуръони каримдаги устувор ҳисобланган одоб-ахлоқ масаласининг инсон камолотига таъсирини илмий-фалсафий таҳлил қилиниши республикаимиз фалсафа тарихи ва исломшуносликнинг янги саҳифаларидан биридир.

Бешинчидан, одоб-ахлоққа оид оятларда инсон маънавий камолоти омиллари моҳиятини таҳлил этиш билан бирга, улардаги инсонийлик, маънавий етуклик ғояларининг туб моҳиятини очиб берилиши ҳозирги даврдаги диний мутаассиблик, экстремизм, сиёсий зўравонликни рад этиб, бағрикенглик кайфиятидаги тинч-осойишта яшашнинг тобора муҳимлигини кўрсатади.

Тадқиқот объекти. Одоб-ахлоққа оид Қуръони карим оятлари тадқиқотнинг объекти сифатида белгиланди.

Тадқиқот предмети. Тадқиқотнинг предмети Қуръон, тафсир, ҳадис ва одоб-ахлоққа оид асарларни ўрганишдан иборат.

Мавзунинг мақсади ва вазифалари. Мавзунинг мақсади диний ҳамда халқимиз онгига сингиб кетган миллий қадриятларимизни мужассамлаштирган Қуръони карим оятларидаги ахлоқий қадриятларни ёшларнинг юксак ахлоқли ва комил инсон қилиб шакллантиришдаги тутган салмоқли ўрнини кўрсатиб беришдан иборат.

Мавзунинг вазифалари:

➤ одоб ва ахлоқ тушунчаларини таҳлил этиш ҳамда уларнинг жамият ҳаёти ва таракқиётидаги ўрни ва аҳамиятини кўрсатиш;

- одоб ва ахлоқнинг ижтимоий, маънавий, диний илдиэларини очиш, бу муаммо юзасидан ўтмишдаги файласуф ва мусулмон олимлари фикрларини таҳлил этиш;
- ахлоқий қарашларни ўзида мужассамлаштирган Қуръони карим оятларининг ўзига хос хусусиятлари ва улардаги инсон ҳаётини тартибга солиб турувчи ахлоқ меъёрларини ўрганиш;
- Диёримиздан етишиб чиққан олимлар ижодида ахлоқ, одобга бағишланган асарлар ва улардаги ижтимоий муносабатларнинг ахлоқий асосларини очиб бериш;
- Қуръони карим ва ҳадиси шарифдаги ахлоқий қадриятларнинг миллий тарбия тизими ривожига кўрсатган таъсирини холис ўрганиш, таълим-тарбия ишларида миллий, диний қадриятлардан биргаликда фойдаланиш муаммосини таҳлил этиш;

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Мустақиллик манфаатлари, комил инсон шахсини тарбиялаш билан боғлиқ бўлган вазифаларни ахлоқ ва одоб тарбияси билан боғлиқ бўлган илмий, амалий муаммоларни чуқур ва холис ўрганиш масаласини кун тартибига қўйди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов мустақиллик шароитида маънавий баркамол инсонни шакллантиришнинг яхлит, мукамал илмий концепциясини яратиб берди. Бу концепцияда маънавий баркамол ижтимоий шахсни шакллантиришда халқнинг тарбия борасидаги тарихий тажрибасидан, миллий, диний анъаналардан, умуминсоний қадриятлардан ҳозирги ривожланган мамлакатларнинг тажрибасидан кенг ва самарали фойдаланиш зарурлиги кўрсатиб берилган.

Ислон илмлари, хусусан, Қуръони карим мавзулари, нафақат Шарқ халқлари, балки Европа олимлари орасида ҳам қадимдан эътибор қозонган бўлиб, бу соҳада VIII-XII асрлардан бери анча-мунча ишлар амалга оширилган. Хусусан, Қуръон матнининг IX-X асрларда юнон тилига, XII-XIII асрларда лотин тилига таржима қилиниши бу соҳага христиан дунёсида

бўлган қизиқишнинг ёрқин намунаси⁴. XVII аср охирларидан Европада том маънодаги илмий исломшунослик ривожлана бошлади. 1698 йилда Падуяда (Италия) Қуръоннинг асл арабий матни лотинча таржимаси ва тафсиллари билан босилиб чиқди⁵. 1697 йилда Европада Бартелеми дэ Эрбело томонидан “Шарқ кутубхонаси” номи билан биринчи жиддий ислом комуси нашр этилди⁶. 1844 йилда Г.Вейлнинг “Қуръон (матни)га тарихий-танқидий мукаддима» китоби, 1860 йилда Т. Нёлдекенинг “Қуръон тарихи” тадқиқоти босилди⁷. XIX-XX асрларда Европада Э.У.Лэйн(1801-1876), И.Гольдциер(1850-1921), Х.С.Хюргронье (1857-1936), А.Ламменс(1862-1937), А.Массэ(1886-1969), Г.Э.фон Грюнебаум (1909-1972), Россияда Г.С.Саблуков, Ч.Э.Торнау, В.Р.Розен, В.А.Жуковский, А.С.Крымский, В.В.Бартольд, А.Э.Шмидт, И.Ю.Крачковский сингари қатор йирик исломшунослар етишиб чиқди⁸.

Ҳозирги кунда ислом дини асосларини, айниқса, Қуръони карим мавзуларини илмий ўрганиш дунё миқёсида шу даражада оммалашиб кетдики, бу мавзуда чиқаётган адабиётларни энг умумий тарзда ҳам қамраб олиш имкондан ташқаридир. Шу сабабли биз охирги йилларда рус тилида нашр этилган баъзи адабиётларни кўрсатиб ўтиш билан чегараландик⁹. Булардан, айниқса, рус исломшунослари нашрга тайёрлаган “Ислам” комусий луғати¹⁰ ва “Ислам” тарихий-библиографик очерклари¹¹ соҳада эришилган ютуқларни ўзида жамлаб акс эттириши жиҳатидан катта аҳамиятга эга. Олдинги асрларда Европа олимлари исломга муносабатда

⁴ Ислам. Историографические очерки. – М.: Наука, ГРВЛ, 1991. – С. 9.

⁵ Ислам. Историографические очерки. – М.: Наука, ГРВЛ, 1991. – С. 13.

⁶ Журавский А.В. Христианство и ислам. – М.: Наука, 1990. – С. 37

⁷ Ислам. Историографические очерки. – М.: Наука, ГРВЛ, 1991. – С. 17,29.

⁸ Вагабов М.В, Вагабов Н.М. Ислам и вопросы атеистического воспитания. – М.: Наука, 1988. – С.16-19.

⁹ Роузентал Ф. Торжество знания (Концепция знания в средневековом исламе). – М.: Наука, 1978.-С. 371; Климович Л.И. Книга о Коране. – М.: Наука, 1986; Адам Мец. Мусульманский ренессанс. – М.: Наука, ГРВЛ, 1966; Грюнебаум Г.Э. фон. Классический ислам (Очерк истории). – М.: Наука, ГРВЛ, 1988; Ислам в Аравии. – М.: Наука, ГРВЛ, 1989; Ислам и политика. – М.: Наука, 1980; Петрушевский И.П. Ислам в Иране в VII-XV вв. – М.: Наука, 1966; Ислам: Религия, общество, государство. – М.: Наука, 1984; Пиотровский М.Б.Кораническое сказания. – М.: Наука, 1991. – С. 215.; Ахмад Дидат. Что Библия говорит о Мухаммаде. – М.:ИПО Полигран, 1994. – С. 24; Ҳал ал-Масиху хува Аллох.-Қоҳира: 1991. – С. 108

¹⁰ Ислам. Энциклопедический словарь. М.: Наука, ГРВЛ, 1991.

¹¹ Ислам. Историографические очерки. М.: Наука, ГРВЛ, 1991. Раздел 1. Коран и коранистика. – С. 7-84.

анча-мунча диний таассубга йўл қўйган бўлсалар, XIX аср охири-XX аср бошларидан илмий холислик ва хайрихоҳлик билан ёндашув борган сари кенг тус олиб бормоқда.¹² Бугунги кунда исломий ғоялар юзлаб Европа зиёлилари қалбига йўл топиб бораётганини Аллоҳга шукроналик билан қайд этиб ўтиш қувончлидир¹³.

Ислом мамлакатларини оладиган бўлсак, хусусан бугунги Сурия, Миср, Марокаш, Тунис, Саудия Арабистони, Кувайт ва Эрон ислом жумҳурияти олимлари томонидан ўрганилмаган бирор мавзу, асар яратилмаган бирор йўналиш қолмаган, десак муболаға бўлмайди. Турк олимларининг бу борадаги саъй-ҳаракатлари ҳам эътиборга моликдир.¹⁴ Қуръони карим мавзуларига жаҳон халқларининг қизиқиши тобора ортиб бораётганлигининг яна бир исботи унинг шу кунгача ўнлаб хорижий тилларга, жумладан, немис, инглиз, форс, рус, татар, уйғур ва бошқа турли миллатларнинг тилларига таржима қилинганлигидир¹⁵. Профессор М.Н. Османовнинг берган маълумотига кўра, Қуръоннинг турли тилларга таржималари сони 1000 дан, тафсирлари эса 1700 дан ортиб кетган.

Республикаимиз истиқлолга эришгандан сўнг, халқимиз тарихида янги давр бошланди. Жамиятимизда кечаётган маънавий покланиш жараёни тарихий меросимизни, жумладан диний-маънавий йўналишдаги манбаларни чуқур ўрганиш ҳамда ислом дини қадриятларини атрофлича тадқиқ этиш жабҳаларида ҳам амалга оширилмоқда. Ўзбекистон олимлари ҳам кейинги йилларда исломий мавзуларда жиддий тадқиқотлар яратишга киришдилар. Бунинг натижасида ўзлигимизни англаш, диний ва миллий урф-одат,

¹² Соловьёв В. Магомет, его жизнь и религиозное учение. СПб.:1902. L. Massignon. Diwan dal-Hallaj. P.: 1955. – С. 75.

¹³ Мухаммад Зариф Ҳикматзода. Биз нега мусулмон бўлдик? – Т.: Камолот, 1997.-96 б.

¹⁴ Бу борада уламолар томонидан нақлий, ижтиҳодий, фикҳий тафсирлар, Қуръон илмлари, ҳадис ва ҳадис илмлари, фикҳ ва фикҳ усуллари, тарих, турли фирқалар, тасаввуф, фалсафа, тавҳид ва Қуръони каримнинг ўнлаб мавзулари ёритилган китоблар нашр этилди.

¹⁵ Мухаммад Солих. Таржимаал-Қуръон.-Мадина: 1993(1413х); Томас Ирвинг. Таржимату маъоний ал-Қуръон ал-карим(инглиз тилида).-Аммон: 1992(1412х.). – 606 б.; Крачковский И.Ю. Коран. (пер. и коммент.). Изд.2-е. – М.: 1990; Саблуков Г.С. Коран(пер.с. арабс).Изд.3-е. – Казань.: 1907; Мухаммад Нури Н.О. Коран(пер. с арабск. и коммент.) – М.: Изд.2-е перераб. и дополн. – М.: 1999; Гафуров А.Г. Коран(пер. с арабского). –М.: 2000; Мухаммад Зариф ал-Кошғарий “Тафсири Амма ятасаалун” номли Қатарда нашр этилган тафсир китобининг мукаддимасида ўнга яқин туркий тафсирларнинг рўйхатини келтирган.

кадриятларимизни тиклашимиз учун тўлиқ имкониятлар, етарли шарт-шароитлар яратилди. Айниқса, исломшунос, диншунос, шарқшунос ва манбашунос олимларимиз учун илм хазиналарининг эшиги кенг очилди. Аждодларимиздан мерос қолган ислом дини ва маънавиятига оид китоблар, кўлёзма асарлар асл манба сифатида бирин-кетин тадқиқ ва таҳлил этилиб, таржима қилинган ҳолда халқимиз истифодасига тақдим этилмоқда. Ислом ҳуқуқи, дин арконлари ва тасаввуф ҳақида қатор илмий-оммабоп рисоалар, таржима асарлар, мақолалар босилиб чиқди¹⁶.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳаёт ва фаолиятларини тўлиқ акс эттирувчи “Тарихи Муҳаммадий” китобини биринчилардан бўлиб Алихонтўра Соғуний ўзбек тилида ёзган эди, мустақиллик йилларида нашр этилган бу китоб ҳамюртларимиз учун жуда катта тухфа бўлди. Қуръони каримнинг ўзбек тилига таржимаси Муҳаммадjon хожи Ҳиндистоний томонидан¹⁷ ўтган асрнинг 80-йилларида амалга оширилган эди. Лекин бу ниҳоясига етказилган таржима давр тақозоси билан чоп этилмай қолиб кетди. Ватандошимиз Олтинхон тўра томонидан араб имлоси билан ўзбек тилига ўгирилган Қуръон таржимаси¹⁸ бу борада бажарилган дастлабки иш сифатида, мустақиллик даврида ўзбек китобхонлари ундан баҳраманд бўлдилар. Ундан сўнг Шамсиддин Бобохонов томонидан ўзбек тилига таржима қилинган Қуръоннинг охириги жузъи - Амма пораси, Алоуддин Мансур томонидан эса унинг тўлиқ изоҳли таржимаси чоп этилди¹⁹. Ниҳоят, 2001 йилда исломшунос олим Абдулазиз Мансур томонидан амалга оширилган, имом Аъзам мазҳаблари бўйича изоҳланган янги мукамал таржима ҳам нашрдан чиқди²⁰. 1992 йилдан бошлаб Муҳаммад Содик

¹⁶ Имом Бухорий. Саҳиҳи Бухорий. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1995. Т.1-4; Абу Лайс Самарқандий. Танбеҳ ул-Ғофилин. Т.3. – Т.: Ат-Термизий. Сунани Термизий. – Т.: Адолат, 1999.Т. I. – 688 б; Бурхониддин ал-Марғиноний. Ал-Ҳидоя. – Байрут.: 1990. Т. 1-2. Бундай китоблар рўйхатини Ўзбекистон шарқшунос ва тилшунос олимлари томонидан тадқиқ этилиб, таржима қилиниб, нашр этилган ўнлаб асарлар номи билан узайтириш мумкин. Илмий журналлар ва ҳафтаномада нашр этилаётган мақолаларнинг эса саноғи йўқ.

¹⁷ Мазкур таржима 6 жилдли китоб ҳолида тайёрланган.

¹⁸ Ас-Саййид Маҳмуд ат-Тарозий. Қуръони карим. – Қатар.: 1993. – Б. 703.

¹⁹ Алоуддин Мансур. Қуръони карим:ўзбекча изоҳли таржима. – Бишкек.: 2001. – Б. 767.

²⁰ Мансуров А.Қуръони карим маъноларининг таржимаси. –Т.: 2001 йил. – Б. 617.

Муҳаммад Юсуф томонидан “Тафсири Ҳилол” номли тафсир нашр этила бошланди.

Мустақиллик даврида Тошкент ислом университети Ислмушунослик илмий тадқиқот маркази ва Тошкент давлат шарқшунослик институти исломшунослик кафедраси доирасида диншунослик-исломшунослик йўналиши бўйича бир қатор тадқиқот ишлари амалга оширилди²¹. Марҳум профессор, филология фанлари доктори Ботирхон Ҳасановнинг “Қуръон илмлари” рисоласи чоп этилди²². 2003 йил эса ушбу тадқиқот муаллифининг “Қуръон ва тафсир илмлари” китоби²³ маърузалар матни сифатида “Тошкент ислом университети” нашриётида чоп этилди. Шу билан бирга қайд этиб ўтиш жоизки, амалга оширилган тадқиқотларнинг кўпчилиги муҳим исломий манбаларга таянган ҳолда олиб борилган бўлса-да, улар орасида айна Қуръон мавзуларига бевосита мурожаат қилиб ёзилганлари ҳануз етарли даражада эмас.²⁴

Одоб-ахлоқ тарбиясининг ижтимоий фалсафага оид муаммоларни ўрганиш масаласи кўплаб олимларнинг диққат эътиборида бўлган. Бу ўринда Ф.Исмоилов²⁵, Н.Имомназаров²⁶ларнинг асарларини кўрсатиш мумкин. Шунингдек, А.Маврулов²⁷, Қ.Эргашев²⁸, Э.Тўрақулов, С.Раҳимовлар²⁹ комил инсон тарбияси ва бу борадаги амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳақида ўз асарларида фикр мулоҳазаларини билдирганлар. Юқоридаги асарларда чуқур илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган фикрлар кўп бўлса

²¹ Бундай тадқиқотлар сирасига Р.Обидов, З.Ҳусниддинов, С.Абдуллаев, А.Абдуллаев, М.Комилов, Б.Эшонжонов, Н. Муҳамедов, С. Оқиловларнинг номзодлик, У.Уватов, А. Мўминовнинг докторлик химоялари ва яна ўнлаб химояга тайёр бўлган илмий ишларни санаб ўтиш мумкин.

²² Ҳасанов Б. Қуръон илмлари. –Т.: Мовароуннахр, 2001. — 32 б.

²³ Обидов Р.Қ. Қуръон ва тафсир илмлари.-Т.: ТИУ, 2003. – 448 б.

²⁴ Бевосита Қуръон оятларига мурожаат қилинган асарлар сирасига профессор Ҳ.С.Кароматовнинг «Ўзбек адабиётида Қуръон мавзулари»(–Т.: 1993. – 281 б.), «Хўрланган пайғамбарлар ғалабаси» (– Т.: 1998. – 92 б.) китобларини киритиш мумкин.

²⁵ Зиёмуҳаммадов Б., Исмоилов Ф. Баркамол авлодни вояга етказиш сирлари. – Т.: Сано-стандарт, 2011. – 346 б.

²⁶ Имомназаров М., Эшмухамедова М. Миллий маънавиятимиз асослари. – Т.: ТИУ, 2001. – 430 б.

²⁷ Маврулов А. Маънавий баркамол авлод тарбияси. –Т.: Ўзбекистон, 2008. – 80 б.

²⁸ Эргашев Қ. Ёшлар маънавий тарбияси. –Т.: Маънавият, 1998. – 36 б.

²⁹ Тўрақулов Э, Раҳимов С. Абу Райхон Беруний : руҳият ва таълим-тарбия ҳақида. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 79 б.

хам, ахлоқ ва одобнинг моҳиятини айнан ахлоқ-одобга оид оят ва ҳадисларга урғу берган ҳолда очилмаган.

Комил инсон ва ахлоқ борасида Т.Тўлаганова³⁰, Н.Комилов³¹ ва бошқалар томонидан ҳам ўрганилган бўлиб, аммо уларнинг мазкур мавзу доирасидаги илмий ишлари айнан одоб-ахлоққа доир Қуръони карим оятлари ва ҳадисларнинг таъсири нуқтаи назаридан ўрганилмаган.

Бундан ташқари, исломшунос тадқиқотчиларидан т.ф.д., профессор У.Уватов³², т.ф.н., доцент И.Усмонов³³, т.ф.н. Д.Муратовлар³⁴ ҳадисшуносликка оид ахлоқ-одоб бўйича фикр мулоҳазаларини ўз тадқиқотларида келтириб ўтганлар. Бироқ уларнинг тадқиқоти бошқа мавзуга бағишлангани учун ахлоқий ҳадислар асосий объект қилиб олинмаган. Шунингдек, А.Абдужабборов³⁵ одоб-ахлоққа оид ҳадисларни таржима қилган.

Одоб ва ахлоқ борасида илмий, диний манбаларни нашр қилиш бўйича қатор ишлар қилинди. Имом Исмоил Бухорийнинг тўрт жилдлик “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” ва “ал-Адаб ал-муфрад”³⁶ асарларининг ўзбек тилида чоп этилиши бунга мисол бўла олади. Муфтий Усмонхон Алимовнинг Қуръони каримнинг 1-3, 3-6, ва 29, 30- жузларига қилган тафсири “Тафсири Ирфон” номи билан нашр этилди.³⁷ Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф томонидан “Ижтимоий одоблар”³⁸, “Руҳий тарбия 3 жилд”³⁹. “Мукаммал

³⁰ Тўлаганова. Т. Адаб дурдоналари ва ахлоқ. – Т.: Ёзувчи, 1999. – 60 б.

³¹ Комилов Н. Комил инсон – миллат келажаги. Т.: Ўзбекистон, 2001. – 30 б.

³² Уватов У. Донолардан сабоқлар. – Т.: 1995. – 56 б.; Уватов У. Мовароуннаҳр ва Хуросон олимларининг ҳадис илми ривожига тутган ўрни (Ал-Бухорий, Муслим, Ат-Термизий): Тар. фан. док. ... дис. автореф. – Т.: ТИУ, 2002. – 44 б.

³³ Усмонов И. Наводир ал-усул ҳикматлари. Монография. – Т.: Фан, 2009. – 175 б.

³⁴ Муродов Д. Ҳадисшунослик. Атама ва иборалари луғати. – Т.: ТИУ, 2009.

³⁵ Абдужабборов А. Инсон кўрки – одоб. – Т.: ТИУ, 2004. – 36 б.

³⁶ Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. Саҳиҳи Бухорий: ал-жомеъ ас-саҳиҳ: (ишонарли тўплам): 2 китоб. / Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Абдулазиз Мансур таҳрири остида. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. 1-т. 712-б. 2-т. – 624 б.; Имом ал-Бухорий. Ал-Адаб ал-Муфрад (Адаб дурдоналари) / Таржима, муқаддима ва изоҳлар муаллифи Ш.Бобохонов. – Т.: 1990. – 196 б.; Имом Бухорий. Ал-Адаб ал-Муфрад (Адаб дурдоналари) / Тарж. Ш.Бобохонов, Н.Абдулмажид. – Т.: Фан, 2006. – 480 б.

³⁷ Алимов. У. Тафсири ирфон: 1-3 жузлар. – Т.: Шарқ, 2012. – 336 б.

³⁸ Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ижтимоий одоблар. – Т.: Ҳилол-Нашр, 2012. – 456 б.

³⁹ Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Руҳий тарбия 3 жилд. – Т.: Шарқ, 2008. – 448 б.

саодат йўли”⁴⁰, “ Ҳадис ва Ҳаёт 39 жилд”⁴¹ одоб-ахлоққа доир китоблари нашр этилди.

Мавзунинг аҳамияти қуйидагилар билан белгиланади:

- Одоб-ахлоққа оид Қуръони карим оятлари ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида ахлоқий маданиятни юксалтириш бўйича дастурлар тайёрлаш ва уларни амалиётга татбиқ этишга хизмат қилади;
- битирув малакавий ишдаги назарий фикр-мулоҳаза, ёндашув ва хулосалар фалсафанинг умумназарий масалалари, ахлоқшунослик, маънавият асослари, исломшунослик каби илм соҳаларини бойитади;
- Қуръони карим оятларидаги ахлоқ ва одобга доир бўлган кўрсатмалар миллий мафкурамизни асосий мақсади бўлмиш комил инсонларни тарбиялашга хизмат қилади;
- мавзуда баён қилинган фикрлардан таълим, тарбия ишларининг барча жабҳаларида, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида “Фалсафа”, “Маънавият асослари”, “Этика” ва “Исломшунослик” фанларидан маъруза ўқишда, амалий машғулотлар ўтказишда жойларда маърифий-тарбиявий тадбирларни ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

Мавзунинг илмий янгилиги: Юқорида кўрсатилган мақсад вазифалардан келиб чиқиб, қуйидаги илмий хулосалар муҳокама қилиб чиқилди:

- одоб ва ахлоқ тушунчаларининг моҳияти, ижтимоий, тарихий, диний илдизлари, уларнинг умумий ва ўзига хос томонлари тадқиқ этилган;
- одоб ва ахлоқнинг миллий, диний, умуминсоний жиҳатлари бирлиги, боғлиқлиги ва ўзига хослиги муаммоси Қуръони карим оятлари, ҳадислар ва Ўрта Осиёлик буюк мутафаккирлар айтган фикрлар, илгари сурган ғояларига таяниб асослаб берилган;
- Ёшларни юксак ахлоқли қилиб тарбиялаш ва комил инсон шахсининг

⁴⁰ Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Мукамал саодат йўли. –Т.: Ҳилол-Нашр, 2012. – 448 б

⁴¹ Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва Ҳаёт: 39 жилд. –Т.: Шарқ, 2010.

шаклланишида Қуръони карим оятлари, ҳадислар ва олимларнинг асарларидан тарбиявий мақсадларда кенг фойдаланишнинг йўллари ва усуллари аниқланди.

Таркиби. Мазкур битирув малакавий иши икки боб ва тўртта банддан иборат.

Биринчи боб “Қуръони каримда ахлоқ тушунчаси ва унинг оятлардаги талқини”, - деб номланади ва қуйидаги икки бандни ўз ичига олади.1.1. Ахлоқ, одобнинг моҳияти ва унинг Қуръони карим оятларида ёритилиши, 1.2. Одоб-ахлоқ масалаларига оид Қуръони карим оятларининг ўзига хос хусусиятлари.

Иккинчи боб “Ёшлар тарбиясида одоб-ахлоққа оид Қуръони карим оятларининг аҳамияти”, - деб номланиб, 2.1. Ижтимоий одоб-ахлоқ масалаларини ҳал этиш ва ёшларни юксак ахлоқли қилиб тарбиялашда Қуръони карим оятларининг тутган ўрни ва 2.2. Комил инсонни шакллантиришда Қуръони каримдаги ахлоқий қарашларнинг устувор хусусиятлари каби бандлардан иборат.

Шунингдек, мазкур битирув малакавий иши кириш, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан ташкил топган.

I БОБ. Қуръони каримда ахлоқ тушунчаси ва унинг оятлардаги талқини

1.1. Ахлоқ, одоб тушунчаларининг моҳияти ва унинг Қуръони карим оятларида ёритилиши

Бугунги кунда одамзод маънавиятининг саёзлашуви оқибатида Ер юзидаги ҳаётнинг кейинги мавжуд бўлишини гумон остида қолдираётган глобал муаммолар юзага келмоқда. Инсонийлик жамиятида маънавият ва ижтимоий одоб-ахлоқнинг ўрни тўғрисида гапириб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида шундай дейди: “Ҳозирги кунда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб олмоқда”⁴².

Ахлоққа риоя қилишни таъминловчи куч – бу аввало жамоатчилик фикридир. Аммо ахлоқ фақат жамоатчилик фикри билан мавжуд эмас. Одамнинг табиий туйғулари ва тарбия жараёнида шаклланган бурч ҳисси муайян ахлоқий хатти-ҳаракатга олиб келади. Ахлоқий меъёрлар ёки тамойиллар одам онгига буйруқ шаклида пайдо бўлади ва кишиларни эзгу ишлар қилишга ундайди, ёвузликдан, разолатдан асрайди. Бундай буйруқлар “Тухмат қилма”, “Ёлғон сўзлама”, “Ўзгалар тақдирига бефарқ бўлма”, “Бошига кулфат тушган одамга ёрдам бер”, “Заиф ночор одамларни қўллаб-қувватла” ва шу кабилар бўлиши мумкин⁴³. Аммо ушбу буйруқлар қандайдир ташқи таъсирдан эмас, балки инсоннинг эътиқодидан, ички сабаблар асосида келиб чиқиши лозим. Шундай қилиб, ахлоқий меъёрлар одамнинг хатти-

⁴² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 117.

⁴³ Глобаллашув. Оммавий маданият. Миллий ғоя./ Рес. Маънавият ва маърифат кенгаши, миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази; Масъул муҳаррир: Кўчқоров Р. – Т.:Маънавият, 2009. – Б. 41.

харакатини фақат объектив қоидалар билангина эмас, балки бурч, виждон талаблари билан ҳам тартибга солиб туради.

Ахлоқ ва одоб ҳақида сўз юритар эканмиз, аввало, мазкур тушунчаларни моҳияти ва мазмунига назар солиш ўринлидир:

Биринчидан, ахлоқ араб тилида “хулқ” сўзининг кўплиги бўлиб, лотин тилида “moralis” – хулқ-атвор деб юритилади. Мазкур атама маънавий ҳаёт ҳодисаси, ижтимоий онг шакллари билан бири, маънавият соҳасига оиддир. Кишиларнинг тарихан таркиб топган хулқ-атвори, юриш-туриши, ижтимоий ва шахсий ҳаётдаги ўзаро муносабат, шунингдек, жамиятга бўлган муносабатларни тартибга солиб турадиган барқарор, муайян меъёр ва қоидалар йиғиндиси⁴⁴.

Иккинчидан, ахлоқ – ижтимоий борлиқнинг таъсирчан омилларидан биридир. Давр ўзгара борган сари ҳар қандай ҳодиса каби ахлоқ ҳам ўзгаради, ривожланиб, такомиллашиб, маънавий маданиятнинг кўринишларидан бирига айланиб боради. Ахлоқни алоҳида фалсафий фан-“Этика” ўрганайди. “Этика” – бурч ҳақидаги фандир” деган фикр ҳақиқатга яқиндир. Чунки, бурч – ахлоқнинг асосий тушунчаларидан бири бўлиб, у шахснинг жамиятга бўлган муносабатидир. “Бурч шахснинг ахлоқий фаолиятининг ифодаловчи масъулият, виждон каби тушунчалар билан чамбарчас боғлиқдир”⁴⁵. Зеро, фикрлар хилма-хиллиги умуминсоний-ахлоқий қадриятларни маънавий идеал таркиб воситасида жамиятга сингдиради.

Учинчидан, “Ахлоқ, – деб таъкидлайди Президент И.А. Каримов,– бу аввало инсоф ва адолат туйғуси, имон, ҳалоллик деган”⁴⁶.

⁴⁴ Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати/ ЎзР Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси, Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти; таҳрир хайъати: Х. Султонов ва бошқ.; тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров. – Т.: Фафур Фулом, 2009. – Б. 48.

⁴⁵ Попов Л.А. Этика. Курс лекции. – М.: Центр, 1998. – С.10.

⁴⁶ Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати/ ЎзР Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси, Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти; таҳрир хайъати: Х. Султонов ва бошқ.; тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров. – Т.: Фафур Фулом, 2009. – Б.48.

Тўртинчидан, манбаларда ахлоқ, имон ва ибодат тушунчалари яхлит бир-бирини тўлдирувчи ислом таълимоти экани қайд этилган. Хусусан, Қуръони каримда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақида: **“Албатта, сиз буюк хулқ узрадирсиз”**⁴⁷, - деб таъкидланган.

Шунингдек, луғатларда “аморализм” деган атама учрайди. Аморализм лотин тилида “ахлоқсизлик” деб юритилиб, у маънавий ҳаёт ва шахслараро муносабатда ахлоқ меъёрларининг бузилиши ҳамда уларни инкор этиш, умумэътироф этилган хулқ-атвор мезонларига эътиборсизлик ва уларга энгил-елпи муносабатда бўлиш демакдир⁴⁸. Амалиётда аморализм алоҳида бир шахснинг маънавий етук эмаслиги ёки жамиятдаги муайян кишиларни маънавий тубанликка олиб келувчи ижтимоий ҳолатлар билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Ислом ахлоқи барча ҳаётини муаммоларни қамраб олган ҳолда юксак маърифат ва мустаҳкам иродани шакллантиришга хизмат қилади. Ислом манбаларида фақатгина хушахлоқ, саховатли бўлиш ва эзгу ишлар қилишга кўрсатмалар берилибгина қолмай, балки ёмон одат ҳамда кўникмаларни бартараф этиш борасида тавсиялар берилган. Мазкур талаб ва кўрсатмаларга ижобий муносабат билдириб, амал қилган инсон комил мусулмон деб аталади.

Қуръондаги “Ҳужурот” сураси ҳам исломий одоб-ахлоққа оид жуда кўп қонун-қоидаларни қамраб олган. Биринчи оятнинг ўзида Аллоҳ, пайғамбар, Қуръон ва суннатдан олдин шошиб бирон гап ёки хулоса қилмасликка чорланган ҳолда, итоаткорлик ва мулоҳазакорлик билан иш юритишга ундалади. Сўнг Расулulloҳ (с.а.в.) билан баланд овозда гаплашмаслик, барча ишларни комил тарбия ва хушхулқлик билан амалга ошириш борасида насиҳатлар келтирилади. Кейин афсус қилиб қолмаслик

⁴⁷ Мансуров А. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. –Т.: ТИУ, 2009. – Б. 564.

⁴⁸ Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати/ ЎзР Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси, Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти; таҳрир хайъати: Х. Султонов ва бошқ.; тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров. – Т.: Фафур Фулом, 2009. – Б. 29.

учун, фосиқ (дин-диёнати, ахлоқ-одоби номаълум шахс)кимса келтирган хабарни қабул қилиш ёки ишонишдан олдин текшириб кўриш кераклиги, мусулмонлар ўзаро биродарлик муносабатда бўлишлари, ўз ваколатидан фойдаланган ҳолда инсонларга зулм ўтказган золимларни тартибга чақириш, инсонларга ҳақоратли лақаблар қўймаслик, жосуслик қилмаслик, хусусан, тақводор кишилар ҳақида ёлғон гап айтмаслик, ғийбат қилмаслик, олий табақадан эканлигини даъво қилиб ғурурланмаслик ва ўз этиқоди ҳамда ислом динидан шахсий манфаатда фойдаланмаслик каби панд-насихатларни ўз ичига олади.

Зеро, тавозелик, камтарлик, ўз хоҳиш ва истакларини назорат қила олиш, тўғрилиқ, адолатпарварлик, сабр, итоаткорлик, сўз ва амалнинг мутаносиблиги сингари ахлоқий сифатлар Қуръонда бир неча бор қайд этилган. Жумладан, **“Аллоҳ (эса) сабрлиларни севади”**⁴⁹ (Оли Имрон, 146), **“Улар (мазкур тақводорлар) фаровонлик ва танглик кунларида ҳам хайр-садақа қиладиган, ғазабларини ютадиган, одамларни (хатокамчиликларини) афв этадиганлардир. Аллоҳ эзгулик қилувчиларни севади”**⁵⁰ (Оли Имрон, 134), **“Одамларга (кибрланиб) юзингни буриштирмагин ва ерда керилиб юрмагин! Чунки, Аллоҳ барча кибрли, мактанчоқ кимсаларни суймас”**⁵¹ (Луқмон, 18).

Шариат аҳли наздида мақталган сифатлар орасига “ҳамида”, деб номланган (мақталган) ахлоқ бор. Ҳамида ахлоқ эгаси – бу беш вақтнамозни қанда қилмайдиган, бошқа фарзу амалларни ҳам сўзсиз бажарадиган мўмин-мусулмон, солиҳ одамдир. Комил мусулмон деганда ана шундай кишилар назарда тутилади⁵².

⁴⁹ Мансуров А. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. –Т.: ТИУ, 2009. – Б. 68.

⁵⁰ Ўша китоб. – Б. 67.

⁵¹ Ўша китоб. – Б. 421.

⁵² Комилов Н. Комил инсон – миллат келажаги. – Т.: Ўзбекистон. 2001. – Б. 25.

Чунончи, алломалар меросида ахлоқ масалаларига кенг ўрин берилган. Масалан, Абу Наср Форобий инсон ахлоқи ҳақида сўз юритар экан, унинг хислатларини қуйидагича таърифлайди:

1. Бундай одамнинг барча аъзолари шу даражада мукамал таракқий этган бўлиши зарурки, у бу аъзолари билан бажармоқчи бўлган барча ишларни осонлик билан амалга оширсин;

2. Барча масалани, муҳокама ва мулоҳазани тезда ва тўғри тушуна олсин;

3. Хотираси жуда бақувват бўлсин, кўрган-эшитган, сезган нарсаларининг биронтасини ҳам эсидан чиқармай, ёдида сақлаб қоладиган бўлсин;

4. Зеҳни шу даражада тез ва ўткир бўлсинки, бирор нарсанинг аломатини сезиш билан бу аломат нимани билдиришини тезда билиб олсин;

5. Сўзлари аниқ бўлсин, фикрини ва айтмоқчи бўлган мулоҳазаларини равон ва равшан баён эта олсин;

6. Билиш ва ўқишга муҳаббати бўлсин, ўрганмоқчи бўлган билимини чарчашни сезмасдан, осонлик билан ўзлаштира олсин;

7. Овқатланишда, ичимлик истеъмол этишда очкўз бўлмасин, табиати турли ўйинлардан узоқ бўлсин ва улар келтирадиган хурсандчиликдан жирканадиган бўлсин;

8. Ҳақиқатни ва ҳақиқат тарафдорларини севадиган бўлсин, ёлғон ва ёлғончиларга нафрат билан қарайдиган бўлсин;

9. Рухининг ғурури ва виждонини қадрлайдиган бўлсин, унинг руҳи ўз табиати билан паст ишлардан юқори ва олижаноб ишларга йўналтирилган бўлсин;

10. Дирхам, динор ва шу каби турмуш буюмларига жирканиш билан қарасин;

11. Ўз табиати билан адолатни севадиган ва адолат учун курашувчиларга, адолатсизликка, жабр-зулм ўтказувчиларга нафрат билан қарайдиган бўлсин;

12. Адолатли бўлсин, аммо қайсар бўлмасин адолат олдида қайсарлик қилиб, ўзбилармонликка берилмасин, ўзи зарур деб билган нарсани амалга оширишда қатъийлик кўрсатсин, кўркмас, жасур бўлсин, кўрқиш ва ожизликни билмасин⁵³.

Кўриниб турибдики, Форобийнинг ахлоққа қўйган талаблари киши руҳида ўз аксини топса, яъни маънавиятига айланган бўлса, сўзсиз у бахтга эришади. Демак, ахлоқ ва бахт эгизак тушунчалардир. Ахлоқсиз одам ҳеч қачон бахтли бўла олмайди.

Абу Райҳон Беруний эса илмли, маърифатли киши бўлишнинг ўзини одоб-ахлоқ ва нафосат билан боғлайди. Унинг дунёқарашида ахлоқ масаласи инсоннинг энг асосий хислатлари сифатида мужассамлашган. Берунийнинг фикрича, ақлий қобилиятлар одамнинг кундалик эҳтиёжлари асосида вужудга келса, ахлоқий масалалар тарихий тараққиёт, одамларнинг ўзаро муносабатлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда пайдо бўлади ва ривожланиб боради⁵⁴.

Ахлоқ борасида Ҳусайн Воиз Кошифий шу фикрларни билдиради: У ижтимоий ахлоқий идеални юзага чиқаришнинг асосий воситаси деб илм-маърифат билан ахлоқий тарбияни тушунади. У ном олишни, айниқса, Қуръондан, ҳадисдан, илми нужум, ал-химия, математика, мусиқадан огоҳ бўлиш, дунёни билиш, оламни таниш яхши-ёмонни тўғри англашдир деса, ахлоқ, инсонийликни эса ҳаёт кечиришдаги энг зарур, ҳаво каби керакли восита деб тушунади. Воиз Кошифий инсоннинг қадр-қиммати, унинг мол-

⁵³ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси, 1993. – Б. 186.

⁵⁴ Тўрақулов Э. Раҳимов С. Абу Райҳон Беруний руҳияти ва таълим-тарбия ҳақида. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – Б. 55.

мулки ёки ижтимоий келиб чиқиши билан эмас, балки унинг маънавий қиёфаси, ахлоқий сифатлари билан ўлчанади, – дейди”⁵⁵.

Жумладан, Абдулла Авлоний ахлоқни бундай таърифлайди: “Инсонларни яхшиликка чақирувчи, ёмонликдан қайтарувчи бир илмдир. Яхши хулқларнинг яхшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини далил ва мисоллар ила баён қиладурган китобни ахлоқ дейилур”⁵⁶.

Бундан 26 аср муқаддам яшаган буюк Хитой мутафаккири Конфуций ҳам ахлоқ ва одобни таҳлил қилиб, унинг инсон моҳиятини белгилашдаги, жамият ҳаёти ва тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини ҳам кўрсатиб берди. Билиш Конфуцийнинг фикрича, инсонни билишдир, яъни инсон ўзини англаб, муайян ахлоқий қадриятларга таяниб, бошқалар билан муносабатга киришишидир. “Ахлоқ, – деб ёзган эди у, – инсон ҳар сўзида, ҳар ишида ўзининг бошқалар олдидаги бурчи ва маъсулиятини англашидир”⁵⁷.

Ахлоқ сўзда эмас, балки кишиларнинг амалий фаолиятида намоён бўлади. Ҳатто оддий бир сўзни чиройли қилиб, андиша ва ҳаё билан айтиш ҳар бир сўз остида шахсийгина эмас, балки биринчи навбатда ижтимоий маъсулият ётади. Одамлар қилган чиройли, самарали ишлар ҳам инсон эътиқодидан чуқур ўрин олган юксак ахлоқий фазилатлар билан белгиланган бўлади.

Бундан кўриниб турибдики, ахлоқ қишининг хулқ-атворида, имон-эътиқодида, юриш-туришида, кундалик турмушида, фикр-мулоҳазасида, мушоҳада ва мулоқотида намоён бўлади. Ахлоқ шахс маънавиятини ривожлантиришнинг етакчи омили ҳисобланади.

Одоб – араб тилидаги “маъдаба” ўзагидан олинган бўлиб, “одамлар даъват қилинадиган зиёфат” деган маънони билдиради. Одоб асосида ахлоқий тамойиллар, меъёрлар, эстетик идеал талаблари ётади. Одоб

⁵⁵ Маҳмудов. Р. Дегонимни улусга марғуб эт. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – Б. 35.

⁵⁶ Зиёмуҳаммадов. Б. Комилликка элитувчи китоб. – Т.: Тугон-Иқбол, 2006. – Б. 96.

⁵⁷ Гусейнов А. Великие моралисты. – М.: Издательство Республика, 1995. – С. 7.

кишининг жамоат орасида ўзини қандай тутиши, одамлар билан қай йўсинда муомала қилиши, ўз турмуши, бўш вақтини қандай ташкил этиш, инсон ташқи қиёфаси қандай бўлиши лозимлигига мансуб қодалар, масалан: орномус, шарм-ҳаё, иффат, камтарлик, хушмуомалаликни ўз ичига олади. Одоб биринчи навбатда оила муҳитида, қолаверса, таълим-тарбия, ижтимоий фойдали меҳнат, амалий тажриба жараёнида шаклланади⁵⁸.

Хулқ – инсоннинг маънавий қиёфаси ва фаолиятига хос бўлган ахлоқий тушунча ҳисобланади. Шахс ҳаёт тарзининг ўзига хослигини, унинг фаолиятида ахлоқий қадриятлар тамойиллари нечоғли ўзлаштирилганлиги, одоб меъёрлари қай тарзда амалий аҳамият касб этганлигини ва аксинча, одоб-ахлоққа зид бўлган хислатлар мавжудлигини кўрсатиб туради. Хулқ шахс ахлоқий фаолиятининг ўлчами, кўрсатгичидир. Шахснинг яхши ахлоқий фазилатлар билан суғорилган фаолият тарзи “яхши хулқ” намунаси бўлиб хизмат қилса, фаолиятида ахлоқий қадриятларга зид амалларнинг намоён бўлиши эса, “ёмон хулқ”га мисол бўла олади. Инсон хулқи унинг маънавий-ахлоқий дунёсининг ўзига хос кўрсатгичи ҳисобланади. Шунингдек, маънавий-руҳий кечинмаларнинг инсон хулқи орқали намоён бўлиши кўп жиҳатдан мавжуд шахс таъсирида бўлган муҳитнинг ўзига хос тарзда шаклланишига ҳам таъсир кўрсатади. Шахс маънавий-руҳий кечинмалари айни вақтда унинг хулқи орқали амалий аҳамият касб этиб, ўзига хос бўлган фаолият меъёрларини шакллантиради⁵⁹.

Таъкидлаш жоизки, ахлоқий хатти-ҳаракат жамият тараққий этиб бориши билан бойиб боради ва шунинг учун ахлоқ ҳар доим ҳам расм бўлган қодаларга бўйсунмавермайди. Бурч тўғрисида келиб чиқувчи ташаббускорлик, янгиликка интилишлик ёки қаҳрамонона хатти-ҳаракат янги фикрни, яъни ахлоқий мезонни вужудга келтириш мумкин. Масалан, милли й ғоямизнинг инсон қалбига сингдирилиши унда юрт тинчлиги, Ватан

⁵⁸ Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2010. – Б. 12.

⁵⁹ Маҳкамов У. Ахлоқ-одоб сабоқлари. – Т.: Фан, 1994. – Б. 28.

равнақи ва халқ фаровонлиги мақсадида хизмат қиладиган маъсулиятни шакллантиради⁶⁰.

Шу билан бирга ҳар бир даврнинг хусусиятига мос ижтимоий ахлоқ тамойиллари бўлади. Чунки инсоннинг маънавий моҳияти турлича талқин қилинади ва шунга мувофиқ келадиган ахлоқий тамойиллар илгари сурилади. Масалан, Ғарбнинг айрим мамлакатлари ахлоқнинг асосий тамойиллари эгоизм (худбинлик) ва индивидуализм (яккалик)дир, чунки улар инсон ўзининг табиий моҳиятига кўра эгоист-худбин, фақат шахсан манфаатдор бўлганлиги учунгина жамиятга яхшилик қилишга қодир, деган қоидага асосланади. Шарқ мамлакатларида эса, ижтимоий ахлоқ бошқатамойилларга, яъни альтруизм ва жамоавийлик тамойилларига асослангандир⁶¹.

Жамиятимизнинг ахлоқий муҳити қадимги тарихий тажриба ҳосиласидир. Бизда каттага ҳурмат, кичикка иззат, оқилага садоқат, муҳтожга саховат, ўзига талабчанлик ва Ватанга нисбатан фидойилик ахлоқий маданият даражасига кўтарилган. Бу қадриятларсиз бизнинг ахлоқий онгимиз ғариб бўлиб олади. Бу консерватив ҳодиса эмас, аксинча, миллий ўзига хослик ва ментал характерга эгадир.

Қадимда аждодларимиз комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуини, замонавий тилда айтсак, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанлар. Киши қалбида ҳаромдан ҳазар, нопокликка, адолатсизликка нисбатан муросасиз исён бўлиши керак деб ҳисобланган.

Ахлоқ-одоб тўғрисидаги билимларни ўзлаштириш, яхшилик, эзгуликнинг моҳиятини тушуниш, инсоний бурч талабларини бажариш гуманистик идеал талабларига зид бўлмайди, аксинча ҳар бир кишининг инсоний бурчи, виждонига мос тушади. Ахлоқ-одоб тўғрисидаги билимлар, тасаввурлар аста-секин инсоннинг дунёқарашига таъсир ўтказди.

⁶⁰ Глобаллашув. Оммавий маданият. Миллий ғоя./ Рес. Маънавият ва маърифат кенгаши, миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази; Масъул муҳаррир: Кўчқоров Р. – Т.:Маънавият, 2009. – Б. 42.

⁶¹ Ўша китоб. – Б. 42.

Машхур рус тадқиқотчиси С.А.Рубинштейн ўринли таъкидлаганидек, инсон ҳатти-ҳаракатини таҳлил қилганда ўша ҳатти-ҳаракатни вужудга келтирувчи, уни ўзгартирувчи сабабларининг турли ҳолатлари, турли даражаларини ва уларнинг бир-бирлари билан кўшилиб-қоришиб кетишларини улар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни доимо инобатга олиш даркор⁶². Қуръон ва ҳадиси шарифдаги ўғитлар, ахлоқ-одоб қоидалари инсонни энг олий кадрият сифатида қатъий муҳофаза этишга хизмат қилади. Хусусан, ислом манбаларида одам ўлдириш энг улкан ахлоқсизлик сифатида қораланади. Ўғрилик, бировнинг ҳақини ейиш, мунофиқлик, алдаш, ёлғон гапириш ва шу каби бошқа турли иллатлар ҳам диний, ҳам ахлоқий нуқтаи назардан ман этилади. Аксинча, инсонни эъзозлаш, одамларнинг бир-бирига кўмакдош бўлиши, тўғрилик, ростгўйлик, ҳалоллик, раҳмдиллик, қавмдоши қандай юксак даражада бўлмасин, унга хушомад қилишдан тийиниш, фақат Аллоҳгагина сиғиниш сингари фазилатлар айна пайтда ҳам диний тақво, ҳам ахлоқий талаб томонидан маъқулланган ҳатти-ҳаракатлар⁶³ эканлиги таъкидланади.

Шунингдек, Қуръони карим оятлари ва ҳадис манбалари асрлар давомида мусулмон дунёсидаги таълим-тарбиянинг маънавий, илмий асоси бўлган. Тарихдан маълумки, барча буюк ватандошларимиз биринчи навбатда, юксак ахлоқли, одобли, яъни маънавий баркамол кишилар бўлганлар. Улар ўзларининг гўзал хулқлари билан ҳаммага ўрнак бўлиб, мазкур ахлоқларига ислом манбаларидаги кўрсатмаларга амал қилганликлари учун эришганлар. Ислам манбаларида ахлоқ-одобга оид бўлган диний, миллий, умуминсоний кадриятлар ҳам ўз аксини топган, улардаги инсофудиёнат, адолату-инсонпарварликни тарғиб этгучи ғоялари ҳозирги давримизнинг мураккаб ва зиддиятли ахлоқий-маънавий масалаларини ҳал этишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

⁶² Рубинштейн С.А. Брите. Первое сознание. – М.: 1957. – С. 260-261.

⁶³ Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2010. – Б. 231.

1.2. Одоб-ахлоқ масалаларига оид Қуръони карим оятларининг ўзига хос хусусиятлари

Баркамол авлодни таълим ва тарбия жараёнида миллий, умуминсоний ҳамда диний меросимиздан бебаҳра қолдирмаслик долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Улар юртимизни ҳимоя қила оладиган юрт қайғуси, ватан осойишталиги ва равнақи ҳамда келажаги буюк бўлган давлатнинг тақдирини ҳал этадиган кучли авлодлардир. Шу боис ёшларни дунёқараши бой, теран фикрлайдиган, соғлом эътиқодга эга бўлган, фидоий, талабчан, мустаҳкам ирода эгаси этиб, бир сўз билан айтганда комил инсон қилиб тарбиялаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

“Бугунги кунда ислом динига нисбатан бутун дунёда қизиқиш ва интилиш кучайиб, унинг хайрихоҳ ва тарафдорлари кўпайиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Бунинг асосий сабаби муқаддас динимизнинг ҳаққонийлиги ва поклиги, инсонпарварлиги ва бағрикенглиги, одамзотни доимо эзгуликка чорлаши, ҳаёт синовларида ўзини оқлаган қадрият ва анъаналарни аجدодлардан авлодларга етказишдаги беқиёс ўрин ва аҳамияти билан боғлиқ”⁶⁴. Шунинг учун динимиз манбаларидаги тарбияга оид маълумотларни ёшларга ўргатиш лозим. Айниқса, исломшунослик, диншунослик ва тарих фанларини ўқитишда ўрганиладиган миллий, диний ва умуминсоний қадриятлар баркамол авлод шахсини унинг ахлоқий маданиятини шакллантириши билан бирга турли диний ҳамда дунёвий ёт ғояларга қарши курашишга чақиради.

“Маънавий ва ахлоқий покланиш, инсоф, имон, диёнат, ор-номус, меҳр-оқибат каби инсоний фазилатлар ўз-ўзидан келмайди, барчасининг замирида тарбия ётади”⁶⁵. Зеро, инсоннинг инсонлиги қандай ахлоқ соҳиби экани билан белгиланади. Унинг камолоти даражасини кўрсатувчи бош омил

⁶⁴ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 36.

⁶⁵ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 15.

хам ахлоқдир. Шу боис кимки ахлоқ неъматидан бебаҳра бўлса, барча яхшиликлардан маҳрум. Бу улуғ неъмат билан зийнатланган киши эса барча эзгуликларга мушаррафдир.

Шуниси эътиборлики, Қуръони карим оятларининг энг муҳим ва салмоқли қисми кишиларда юксак инсоний фазилатларни шакллантиришга қаратилган. Ундаги ота-онага муносабат, илмга муносабат, сабр-бардош, шукроналикка даъват, ўзаро меҳр, иноқлик, меҳмондўстлик, етимпарварлик, вафо ва садоқат, меҳнатсеварлик ва ҳалол луқмани шарафлаш, камтарлик, камсуқлик, самимият ва ростгўйлик хислатларининг биринчи ўринга қўйилиши инсоният учун бебаҳо маънавий қадриятлар силсиласини ташкил этади⁶⁶.

Қолаверса, ислом ахлоқи маънавий қадриятларнинг тасодифий тўплами эмас, балки мукамал бир тизим ҳолига келтирилган бўлиб, албатта бунда буюк ислом уламоларининг, хусусан, юртимиздан етишиб чиққан олимларнинг хизматлари беқиёсдир.

Қуръони карим оятларида олдинга сурилган ахлоқ-одоб тўғрисидаги ғоялар ниҳоятда кенг ўрин олганлигини инкор этиб бўлмайди. Шу маънода олиб қараганимизда, Қуръони карим оятлари ахлоқ-одоб борасидаги миллий, диний, умуминсоний қадриятларни ўзида тўла ва холисона мужассамлаштирган ҳаётий қомусдир. Қуръони карим оятларида ахлоқ-одобнинг моҳиятигина эмас, балки инсон ўз ҳаётининг ҳар бир дақиқасида уларга амал қилиши ҳам кўрсатиб ўтилган. Буни қуйидаги мисоллар билан исботлашимиз мумкин:

1. **Ҳалоллик.** Шу билан бирга оятларда ҳалолликнинг асосий мезонлари ҳам очиб берилган. Бу борадаги ғояларнинг асоси Қуръондаги

⁶⁶ Имомназаров М, Эшмухамедова М. Миллий маънавиятимиз асослари. – Т.: ТИУ, 2001. – Б. 136.

“Бақара” сурасида “Эй, одамлар, ердаги ҳалол-пок нарсалардан энглар...”⁶⁷ деган даъватдир.

2. **Ҳақиқатпарварлик.** Қуръони каримда: “Эй, мўминлар! Аллоҳдан қўрқингиз ва тўғри сўзлангиз!”⁶⁸ (Аҳзоб сураси 70-оят),- деган ва ҳадисда “Ростгўйлик (ҳалоллик) яхшиликка олиб келгусидир, яхшилик эса жаннатга етаклагай. Ростгўй (ҳалол) бўлайин дейдиган киши ростгўйликни қилаверсин”⁶⁹, - деган фикрлар ҳам ахлоқ масалаларига устувор аҳамият берилганлигининг белгисидир.

3. **Яхшилик қилиш.** Қуръондаги: “Аллоҳга ибодат қилингиз ва Унга ҳеч нарсани шерик қилмангиз! Ота-оналарга эса яхшилик қилингиз!”⁷⁰ Шунингдек, қариндошлар, етимлар, мискинлар, қариндош қўшнию бегона қўшни, ёнингиздаги ҳамроҳингиз, йўловчи(мусофир)га ва қўл остингиздаги (қарам)ларга ҳам (яхшилик қилингиз)! Албатта, Аллоҳ кибрли ва мақтанчоқ кишиларни севмайди.”⁷¹ (Нисо сураси 35-оят).- деган оятда инсониятга хос бўлган эзгу амалларнинг барчаси жамлангандир.

4. **Шукур қилиш.** Қуръони каримда инсонларга берилган неъматлар зикр қилиниб: “Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳгагина ибодат қилувчи бўлсангиз, сизларга Биз ризқ қилиб берган покиза нарсалардан еб, Унга шукур қилингиз!”⁷² (Бақара сураси 172-оят)- дейилади.

5. **Кечиримлилик.** Қуръони карим оятларидаги “Улар фаровонлик ва танглик кунларида ҳам хайр-садақа қиладиган, ғазабларини ютадиган, одамларни (хато ва камчиликларини) афв этадиганлардир. Аллоҳ эзгулик қилувчиларни севар.”⁷³(Оли Имрон сураси 134-оят).- деган фикрлар ҳозирги кунда ҳам катта аҳамият касб этмоқда.

⁶⁷ Мансуров А. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. –Т.: ТИУ, 2009. – Б.56.

⁶⁸ Мансуров А. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. –Т.: ТИУ, 2009. –Б. 427

⁶⁹ Имом Бухорий. Ал-Жомеъ ас-сахих. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1996. – Б.108.

⁷⁰ Қаранг. Илова. №4.

⁷¹ Мансуров А. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. –Т.: ТИУ, 2009. –Б. 84

⁷² Ўша китоб. –Б. 26

⁷³ Ўша китоб. –Б. 67.

6. **Сабр қилиш.** Энг юксак ахлоқ бўлмиш сабрлилик оятда: **“Эй, иймон келтирганлар! Сабр ва намоз ила (Мендан) ёрдам сўранглар! Албатта, Аллоҳ сабр қилувчилар билан биргадир”**, - дея баён қилиниб, инсонларни бу ахлоқ билан хулқланишга чақиради.

7. **Билимлилик.** Яна бир муҳим жиҳати шундаки, ислом дини илм ўрганишга эътиқодий чегара билан чегараламаган. Бу нарса Қуръони карим оятларида ҳам ўз аксини топган. Хусусан, **“Бандалари орасида Аллоҳдан уламоларгина қўрқарлар”**⁷⁴ (Фотир сураси 28-оят), **“Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлурми?!”**⁷⁵ (Зумар сураси 9-оят), **“Ушбу мисолларни Биз одамлар (ибрат олишлари) учун айтурмиз. (Лекин) уларни фақат олимларгина англагайлар”**⁷⁶ (Анкабут сураси 44-оят). Шунингдек ҳадисларда ҳам: “Кимки илм истаб қадам қўйса, Аллоҳ таоло унга жаннат йўлини осон қилгайдир”⁷⁷, “Илм ўрганиш ҳар бир мусулмон эркак ва аёл учун фарздир”⁷⁸ деган фикрлар ислом динида илм ўрганишга эътибор қанчалик катта бўлганлигини кўрсатади. Илм олиш одобига яна қуйидаги ҳадисни келтиришимиз мумкин: Муоз (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилади: “Хушомад мўминнинг хулқларидан эмас, лекин илм олишда хушомад жоиз”. Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.): “Илм излаш йўлида хорландим, сўнг матлуб бўлиб азизликка эришдим” деди⁷⁹. Кўриниб турибдики, илм ва маърифат комил инсон эгаллаши лозим бўлган хислатдир.

Қуръони карим оятлари ва ҳадислардаги ўғитлар, ахлоқ-одоб қоидалари инсонни энг олий қадрият сифатида қатъий муҳофаза этишга хизмат қилади. Хусусан, ислом манбаларида одам ўлдириш энг улкан ахлоқсизлик сифатида қораланади. Ўғрилиқ, бировнинг ҳақини ейиш, мунофиқлик, алдаш, ёлғон гапириш ва шу каби бошқа турли иллатлар ҳам диний, ҳам ахлоқий нуқтаи назардан ман этилади. Аксинча, инсонни

⁷⁴ Мансуров А. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. –Т.: ТИУ, 2009. – Б. 437

⁷⁵ Ўша китоб. – Б. 459

⁷⁶ Ўша китоб. –Т.: ТИУ, 2009. – Б. 401

⁷⁷ Имом Бухорий. Ал-Жомеъ ас-сахих. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1996. – Б. 32.

⁷⁸ Ўша китоб, 1996. – Б. 36.

⁷⁹ Ал-Мовардий. Абулҳасан. Дунё ва дин одоби: адаб уддунё вад дин / А. Ал-Мовардий; таржимонлар: Исмоил Маҳдум, Тоштемиров Х; масъул муҳаррир Б.Эрали. – Т.: ТИУ, 2012. – Б. 23.

эъзозлаш, одамларнинг бир-бирига кўмакдош бўлиши, тўғрилиқ, ростгўйлик, халоллик, раҳмдиллик, кавмдоши қандай юксак даражада бўлмасин, унга хушомад қилишдан тийиниш, фақат Аллоҳгагина сиғиниш сингари фазилатлар айни пайтда ҳам диний тақво, ҳам ахлоқий талаб томонидан маъқулланган хатти-ҳаракатлар⁸⁰ эканлиги таъкидланади.

Юқоридаги фикрларга таянган ҳолда ҳозирги даврда ахлоқ, одоб тарбияси борасидаги тадбирларда диний қадриятлардан, биринчи навбатда Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифлардаги ахлоқ ва одоб тўғрисидаги фикрлардан кенг ва тўғри фойдаланиш масалалари битирув малакавий иши доирасида тадқиқ этилган.

Диний эътиқоди заиф кишилар одамийлик қадри – қимматини тушиниб етмайдилар. Бундай кишилар кўпайиб кетса, иттифоқ ўрнини нифоқ, адолат ўрнини зулм, дўстлик ўрнини адоват, мурувват ўрнини нафрат, тавозеъ ўрнини кибр, садоқат ўрнини хиёнат, ҳавас ўрнини ҳасад, мулойимлик ўрнини кўполлик, қаноат ўрнини таъна эгаллайди. Шу маънода мусулмончилик тушунчасининг ўзи кишилар қалбига одамийлик ва одамгарчилик тушунчалари билан айнан тенг маънода сингиб кетган.

Ахлоқий тарбиянинг бузилиши, ёшлар онгини заҳарланиши каби таҳдидли ҳолатлар бутун дунёни ташвишга солмоқда. Хусусан, “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусида 2012 йилнинг 16-17 февраль кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференция иштирокчиларидан бири украиналик олим А.А. Безносюкнинг чиқишида ҳам ёшлар маънавий, ахлоқий тарбиясидан безовталиқ сезилиб турарди. У таълим, аввало, шахсни маънавий ўзагини шакллантириши лозим, зеро, бу ўзак ҳар бир одамдаги “дунёнинг шахсий картинаси”ни белгиловчи мезон бўлиб ҳисобланади, деган илмий хулосани айтди. Бироқ, “Бизда маънавий илдизларнинг бемаънилашиб кетиш,

⁸⁰ Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2010. – Б. 231.

маънавий-ахлоқий тарбия дастурининг йўқлиги ёшларда рухий мувозанатнинг издан чиқиши, мотивлар иерархиясининг, мустақил фикрлашнинг, хулқ-атворнинг бузилиши каби рухий ва психоматик касалликларни пайдо қилди”⁸¹, деган.

Ушбу анжуманнинг бошқа иштирокчиси М.И.Вишневскийнинг: “...Биз тараққиёт нуқтаи назаридан энг муҳим, тезкор бўлган ёшлар гуруҳларини ўз миллий-маданий майдонимизда ушлаб тура олармиканмиз? Биз уларнинг ўз миллий маданиятига эмас, бегона маданиятларга интилувчи “компрадор”ларга айланаётганидан ҳавотирдамиз”⁸² деган сўзлари ҳам миллий ва ахлоқий тарбия ўта муҳимлигини кўрсатади.

Ушбу конференцияда иштирок этган Ислом Тараққиёти Банки Президенти, доктор Аҳмад Муҳаммад Али: “Аллома боболаримиз мероси билан замонавий ахборот технологиялари имкониятларини уйғунлаштиришни таклиф қилди”. Джун Ку Ли – Тэгу Хани университети ректори (Корея Республикаси) эса, “Энг эътиборли жиҳати ўзбек ёшларининг миллий урф-одатларга, миллий кадриятларга ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбия олаётганидир” деб таъкидлаб ўтди⁸³.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов бу хусусда шундай деганлар: “Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда ёшлар онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-

⁸¹ Қуронов М; Абдувоҳидов А. в.б. Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан. – Т.: Маънавият, 2012. – Б. 67.

⁸²“Билимли ва ақл-заковатили етук авлодни тайёрлаш-мамлакатни барқарор ривожлантириш ва модернизациялашнинг муҳим шарти халқаро конференция”. 16-17 02.2012. – Т.: ИПТД Ўзбекистон. 2012. – Б. 25.

⁸³ Ўзбекистон Республикасида ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг долзарб масалалари”. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Т.: Маънавият, 2013. – Б. 175.

муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди”⁸⁴. Маълумки, баркамол шахс деганда, турли билимларни эгаллаган, бир қатор гўзал фазилатларни вужудида жо этган, замон талабига жавоб берувчи маънавий юксак инсон сиймоси тушунилади.

Баркамол авлод тарбиясида икки тушунча бир-бири билан доимо уйғун ишлатилади:

1. Таълим тушунчаси шахснинг маърифий ва тарбиявий даражасини орттириш орқали унинг ривожланишини таъминлаш мақсадида ўргатувчи билан ўрганувчилар ўзаро биргаликда амалга оширадиган дидактик фаолият. Шахснинг ақлий тараққиётини таъминлаш мақсадида кўриладиган дидактик чора-тадбирлар тизимдир⁸⁵.

2. Тарбия тушунчаси – 1) янги авлод кишиларига катта авлоднинг ижтимоий, тарихий тажрибасини бериш туфайли ривожланишини таъминловчи ижтимоий функция; 2) ижтимоий институтлар таъсири остида инсон субъектив – шахсий ва маънавий дунёсини шакллантириш, қарор топтириш, бойитиш ва такомиллаштиришнинг аниқ мақсадга йўналтирилган, тизимлаштирилган ва онгли жараёни. Тарбия – таълим билан ўзаро жипс боғланган ижтимоийлашишнинг асосий бўғини, таълим тизимининг таркибий қисми ҳисобланади⁸⁶.

“Таълим тўғрисидаги” Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг моҳияти баркамол авлодни тарбиялашга қаратилаган бўлиб, унда қуйидаги вазифалар белгилаб қўйилган:

Биринчидан, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук қилиб тарбиялаш, талабаларнинг маънавиятини миллий истиқлол ғояси асосида шакллантиришда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг ва самарали фойдаланиш.

⁸⁴ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 114.

⁸⁵ Тарбия: ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б. 40.

⁸⁶ Ижтимоий ҳимоя: атамалар изоҳли луғати. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007. – Б. 321.

Иккинчидан, ёшларда Ватанга ва халққа муҳаббат, юрт фаровонлиги учун курашиш, инсонпарварлик, ўзликни ангалаш, миллий ғурур, миллий ифтихор, ўзга миллат кишилари ва уларнинг кадриятларини хурмат қилиш каби фазилатларни тарбиялаш.

Учинчидан, ёшларда виждон эркинлиги, билимдонлик, ахлоқлилик, жисмоний етуқлик ва мустақил фикрни камол топтириш⁸⁷.

Ҳозирда баркамол шахсни тарбиялашда юксак маънавий фазилатларнинг устуворлигини таъминлашга ҳам алоҳида диққат қаратилмоқда. Бунга, авваламбор, меҳр-мурувват, катталарга хурмат, меҳмондўстлик, саҳийлик, дўстона муносабат, ҳалоллик, камтарлик, меҳнатсеварлик каби тушунчалар киради⁸⁸.

Шуни таъкидлаш жоизки, мазкур фазилатларни баркамол авлод онгида шакллантириш ва уларни ҳаётига сингдиришда ахлоқий ҳадисларнинг ўрни беқиёс. Зеро, бу тушунча ва фазилатлари негизида миллий кадриятлар ётади, миллий кадриятларимиз эса ўз навбатида диний кадриятларимиз билан чамбарчас боғлиқ.

Шу боисдан ҳам, мамлакатимизда ахлоқий тарбия масаласи энг устувор вазифалардан бири сифатида муҳим аҳамият касб этади. Бу йўлда диний манбалар, хусусан, Қуръони карим оятлари ва ҳадислардаги ахлоқ масаласини ўрганиш ва баркамол авлодни эзгу ғоялар асосида шакллантириш муҳим йўналишлардандир. Оятлардаги ахлоқий комиллик масаласи ва инсоннинг ботиний оламига эътибори, сурат эмас, сийрат, яъни моҳиятни англашга интилиш тажрибасини ўрганиш ижтимоий ҳаётдаги кўр-кўрона тақлид, ғафлат каби иллатларга қарши курашда кўл келади.

⁸⁷ Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан: Ўзбекистоннинг 20 йиллик мустақил тараққиёт йўлида киритган ютуқ ва натижалари, мамлакатимизнинг салоҳияти ва аҳамиятини аҳолининг кенг қатламларига етказиш, жойларда ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар, тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга ошириш учун мўлжалланган. / ЎзР олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ЎзР маҳалла жамғармаси; масъул ижодий гуруҳ. А.Ш. Бекмуродов ва бошқ. – Т.: Ўқитувчи, 2011. – Б. 147.

⁸⁸ Маврулов А.А. Маънавий баркамол инсон тарбияси. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – Б. 5.

Тарихдан маълумки, динларда одам дунёқарашини комилликка олиб чиқиш ва шу руҳга йўналтиришга хизмат қилган муайян тажрибалар мавжуд. Шу йўсинда маълум одамий хатти-ҳаракатларни комилликка етказиш учун меъёрлар ва тақиқлар белгилаб қўйилган. Барча динлар қатори ислом дини инсонни комилликка этиштиришнинг асосий шarti сифатида нафс масаласига эътибор қаратади. Қуръони карим Моида сурасининг 87-оятда **“Эй, имон келтирганлар! Сизлар учун Аллоҳ ҳалол қилиб қўйган нарсаларни харомга чиқармангизлар ва ҳаддан ошмангизлар! Зеро, Аллоҳ ҳаддан ошувчиларни севмайди”**⁸⁹ дейилади.

Аждодларимиз инсоннинг комиликка эришиш босқичлари, манбалари, омиллари ва механизмлари юзасидан кенг кўламли мулоҳазалар юритиш билан чекланиб қолмасдан, балки уни камолотини ҳаракатлантирувчи объектив ва субъектив шарт-шароитлар ҳамда илмий-амалий ғоялар яратганлар⁹⁰. Абу Наср Форобий, Азизиддин Насафий, Алишер Навоий каби мутафаккирларимиз инсоннинг камолоти ахлоқий ва маънавий покланиш жараёнисиз амалга ошмаслигини таъкидлаб ўтганлар.

Хусусан, Форобий инсоннинг яратувчанлик қобилиятига юксак баҳо беради. У инсон биологик мавжудот эмас, балки ақл-заковат соҳиби эканлигини, ўз меҳнати билан ижтимоий моҳияти касб этишини уқтиради. Абу Наср Фаробий ахлоқ тушунчасини кенг маънода талқин қилиб, дини, эътиқоди, ирқи, тилидан қатъи назар, барча инсонларни ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка чақиради. Форобийнинг фикрича, юксак ахлоқий фазилатларга риоя қилган ҳолда ривожланаётган ҳар қандай давлат ўз фуқароларини, шакшубҳасиз, бахту саодат йўлига олиб чиқувчи кучдир⁹¹.

Ахлоқсизлик, одобсизлик ҳоллари содир бўлиши инсон ўз фаолиятида муайян қадриятлар тизимини четлаб ўтишнинг белгисидир. Тарбия эса фақат

⁸⁹ Мансуров.А. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. –Т.: ТИУ, 2009.. – Б. 122.

⁹⁰ Жумабоев Й. Ўзбекистонда фалсафий ва ахлоқий таълимотлар тараққиёти тарихидан. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – Б. 46.

⁹¹ Абу Наср Фаробий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. – Т.: Ёзувчи, 2001. – Б. 15.

инсон маънавияти шаклланишининг адолат ва ҳақиқат мезонлари асосида тўғри йўлга солишга қаратилгандир. Шу сабабли оят ва ҳадисларда ўртага қўйилган маънавий соғлом кишиларни тарбиялашга оид бўлган фикрлар ҳам катта аҳамиятга эга. Бу борада, айниқса, оила барқарорлигини таъминлаш, эр ва хотиннинг бир-бирига садоқати ва хурмати, ота-онанинг фарзандлар олдидаги, фарзандларнинг ота-она ва жамият олдидаги бурчи ва маъсулиятнинг мезонлари белгилаб берилганлиги катта аҳамиятга эга. Тажриба шуни кўрсатадики, қайси оилада ахлоқ ва одоб мезонларига риоя қилинмаса, уларга кам эътибор берилса, ундай оилада хурмат, меҳр-оқибат, эзгулик каби фазилатлар ўрнига ёмонлик, адоват, хиёнат, дилозорлик сингари иллатлар жонланади.

II БОБ. Ёшлар тарбиясида одоб-ахлоққа оид Қуръони карим оятларининг аҳамияти

2.1. Ижтимоий одоб-ахлоқ масалаларини ҳал этиш ва ёшларни юксак ахлоқли қилиб тарбиялашда Қуръони карим оятларининг тутган ўрни

Одамлар онгида сайёрамизнинг торайиши ҳамда дунёнинг яхлит тарзда англанишини акс эттириб, дунёнинг бирлашуви ва кишилар ўртасида ўзаро алоқаларнинг кучайишини ифода этадиган глобаллашув жараёнининг мазмун моҳияти хусусида турли баҳс-мунозаралар ҳамон давом этмоқда⁹². Хусусан, жамиятшунослар томонидан маданиятнинг универсаллашуви таъсирида турли минтақа халқларининг урф-одатлари ва турмуш тарзининг яқинлашуви ҳамда бирлашувини тасдиқлайдиган далиллар изланмоқда. Баъзи файласуфлар XXI асрда дунёда ягона ахлоқ, умумий маънавият, глобал маданият қарор топишини башорат қилмоқдалар.

Ҳозирда глобаллашув жараёнининг турли давлатлар ва халқларнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий ва маънавий тараққиётига салбий таъсирини илмий тадқиқ этишга эътибор кучайиб бормоқда⁹³. Президентимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида глобаллашувнинг мазмун-моҳияти қуйидагича тавсифланади: “Глобаллашув – бу аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир. Ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани сингари, глобаллашув жараёни ҳам бундан мустасно эмас. Ҳозирги пайтда унинг ғоят ўткир ва кенг қамровли таъсирини деярли барча соҳаларда кўриш, ҳис этиш мумкин. Шунини унутмаслик керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам

⁹² Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати / ЎзР Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси, Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти; таҳрир хайъати: Х. Султонов ва бошқ.; тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров. – Т.: Фафур Фулом, 2009. – Б. 119.

⁹³ Ўша китоб. – Б.120.

ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин⁹⁴.

Айни даврга келиб ахлоқсизлик масаласи ривожланган мамлакатлар ва айниқса, ривожланиш жараёнида бўлган миллий давлатчиликка жиддий хавф сола бошлади. Чунки “оммавий маданият” орқали кириб келаётган ахлоқсизликлар тез фурсатда ёшлар онгини заҳарламоқда. Президентимиз И.А. Каримов “оммавий маданият” иллатининг мамлакатга кириб келишидан огоҳ қилар экан, унинг қуйидаги кўринишларини ажратиб кўрсатадилар: ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни кўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди”⁹⁵.

“Оммавий маданият”ни мазкур кўринишлари ичида ахлоқий бузуқлик муаммоси биринчи ўринга қўйилганлиги бежиз эмас. Бу тушунчаларга чуқурроқ назар солсак қуйидаги хулосаларга келамиз:

1. Ахлоқий бузуқлик. бу ҳолат энг тубан инсоний фаолият бўлиб, у аста-секин “эркин муҳаббат”дан “бир жинсли инсонлар ўртасидаги никоҳни тузиш”гача бўлган босқичларга кўтарилади. У ёшларни маънавий жиҳатдан айнитиб, минглаб йиллардан буён ардоқланиб келаётган муҳаббат ўрнига зинокорликни тақдим қилди. Масалан, “бугунги кунда АҚШнинг 30 фоиз аёллари никоҳга киргунга қадар камида икки марта бола олдирадидлар, шунингдек, қизлар ҳам айни шу руҳда тарбия топмоқда. Аксарият сайловчилар бу каби турмуш тарзига халақит берувчи ҳар қандай сиёсатга қарши овоз беришади”⁹⁶. Умуман ахлоқий бузуқлик даставвал оилага даҳл қилади, кейин эса у насл поклигига путур етказади. Ваҳоланки, бизда оила

⁹⁴ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 111-112.

⁹⁵ Ўша китоб. – Б. 117.

⁹⁶ Бьюкенен П. Смерть Запада. –М.: Гардарики. 2004. – С. 16.

муқаддаслиги, насл поклиги масаласи муҳим қадрият ҳисобланади. Ҳар турдаги ахлоқсизлик ҳақида ҳадисларда қуйидагича марҳамат қилинади: “Мўмин инсонда икки хислат жамулжам бўлмас: бири-бахиллик, иккинчиси-бадхулқлик”⁹⁷.

2. Зўравонлик. Бу иллат мазмунини инсоннинг инсон устидан ўз ҳукмронлигини ўтказиш ташкил қилади. Зўравонлик шахс ҳуқуқини поймол қилиб, унинг онгида ҳайвонийлик ҳис-туйғуларини ва хусусиятларини таркиб топтиради⁹⁸. У бугунги кунда фильмлар компьютер ўйинлари ва турли интернетдаги қўлланмалар воситасида тарғиб қилинмоқда.

3. Индивидуализм. Бу инсон шахсий ҳаётининг алоҳидалилиги, шахс ҳуқуқларининг мутлақлигини ва автономиясини ифодаловчи ахлоқий тамойилдир⁹⁹. Бу ғояга кўра шахс манфаатларини ўзгалар манфаатларидан устун қўяди. Шахс индивидуалчи бўлиши керак. Лекин, шахс индивидуаллигининг ҳам меъёрлари мавжуддир. Индивидуализм жамоавийликнинг зиддий кўриниши бўлиб, у шахсни жамиятдан айро яшашга, кўни-қўшничилик, маҳалла-кўйчилик ва жамоавийликка қарши руҳда вояга етказди¹⁰⁰.

4. Эгоцентризм. Бу ғоя инсоннинг “мен”лигини устувор қўйишдан иборатдир. Бунинг энг ташвишли жиҳати шундаки, ундай одам ўзини доимо ҳақ деб билади, ўзгаларга нисбатан беписанд қараш, ўз хатти-ҳаракатларини мутлақо тўғри деб билиш эгоцентризмнинг энг асосий белгисидир.

Бу каби ҳолатларни олдини олиш учун қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш керак: 1. “Оммавий маданият”нинг савияси паст, енгил-елпи намуналарига қарши оят ва ҳадислардаги эзгулик ва инсоний фазилатларни тараннум этувчи кўрсатмаларини тарғиб қилиш; 2. Гиёҳвандлик, сепаратизм, экстремизм ва барча ахлоқий бузуқликни ўзида

⁹⁷ Ахлоқ-одоб ҳақидаги ҳадислар. – Т.: Мовароуннаҳр, 1992. – Б. 16.

⁹⁸ Шагинская Е.Н. Массовая культура XX века: очерк теорий. – М.: 2000. – С. 20.

⁹⁹ Назаров Қ. Фалсафа комусий луғати. – Т.: Шарқ, 2004. – Б. 89.

¹⁰⁰ Одилхонова Ш. Оммавий маданият таҳдиди. – Т.: Мухаррир, 2010. – Б. 14.

мужассам қилган фильмлар ва интернет сайтларига қарши исломдаги поклик, тенглик, ва ахлоқлилик ғояларини кенг тарғиб ва ташвиқ қилиш лозим.

Маълумки, ахлоқий баркамоллик муаммоси кишилик дунёсининг азалий эзгу нияти бўлиб, ижтимоий-тарихий тараққиёт даврининг барча босқичларида ўзининг бирламчилиги, ўта долзарблиги билан алоҳида ижтимоий, маънавий аҳамият касб этган. Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари қалбини инсон нима, нега у шунчалик буюк ақли, қилни қирқ ёрадиган заковати билан мўъжизалар яратишга қодир бўлгани ҳолда, яна тубан ишларга қўл уради, ҳайвоний ҳирсу нафс домига тушиб, ўзини хароб этади деган саволлар қадимдан безовта қилиб келган¹⁰¹. Шарқ ва ғарб дунёсининг деярли барча мутафаккирлари ахлоқий комиллик ҳақида батафсил тўхталиб ўтганлар. Хусусан, машҳур файласуф Эпиктетнинг фикрига кўра: “Инсоният шу даврга қадар эришган энг олий кашфиёти бу – яхши хулқли инсондир”¹⁰². Хитойлик файласуф Конфуций инсон ва жамият тараққиётининг асосий омиллари устида тўхтаб, қуйидаги фикрларни айтган эди: “Камолотга эришиш учун, аввало қалб покизалиги ҳақида ўйлаш керак. Қалб покизалигига эса, юрак ҳақиқатни излаганда ва руҳ орифликка интилан тақдирдагина эришилади”¹⁰³.

Азизиддин Насафий эса, комил инсонга қуйидагича таъриф беради: «Билгилки, баркамол инсон деб шариат ва тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамга айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайин. Билгилги, комил инсон шундай инсондирким унда қуйидаги тўрт нарса камолга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маърифат»¹⁰⁴. Мутафаккирнинг мазкур таърифидан келиб чиқадиган бўлсак, баркамол инсон ҳаётдан ташқари бўлган аллақандай мавҳум зот эмас, балки реал одамдир. Яхши фазилатларни эгаллаб борган инсон ана шундай

¹⁰¹ Комилов Н. Комил инсон – миллат келажаги. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – Б. 7.

¹⁰² Гусейнов А. Великие моралисты. – М.: Наука, 1995. – С. 36.

¹⁰³ Ўша китоб. – С. 36.

¹⁰⁴ Назаров Қ. Фалсафа қомусий луғати. – Т.: Шарқ, 2004. – Б. 54.

мартабага кўтарила олади. Бунинг учун эса риёзат чекиб, тариқат мақомини босиб ўтиш зарур. Жумладан, Абдулла Авлоний ахлоқни бундай таърифлайди: “Инсонларни яхшиликка чакирувчи, ёмонликдан қайтарувчи бир илмдир”¹⁰⁵.

Мазкур алломалар Қуръон ва ҳадислардаги барча кўрсатма ҳамда насихатларни мукамал билганликлари сабабли ислом динида комил инсонни тарбиялаш асосий вазифалардан бири эканини баён қилганлар. Ислом манбалари хусусан, оят ва ҳадисларда келтирилган ахлоқий қадрият, уларни инсон қалби ва руҳига сингдириш орқали комиликка етказиш ҳақидаги ғоялар ниҳоятда кенг ва мураккабдир. Шунинг учун ҳам оят ва ҳадислардаги ахлоқий комилик масаласини ҳозирги кунда катта аҳамият касб этиб келаётган томонлари устида тўхталиб ўтилди.

Маънавий баркамоллик кўшни халқлар, шунингдек, жаҳон халқларининг асрлар давомида яратган адабий-бадиий асарларидан баҳраманд бўлишида ҳам шубҳасиз кўринади. Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сини, қирғиз халқининг достони “Манас”ни, Абай ва Мухтор Авезовнинг асарларини, Махтумкули шеърларини, Мирзо Ғолиб, Рабиндранат Тагор асарларини билан бир қаторда жаҳон адабиётининг шоҳ асарлари билан таниш бўлиш инсон маънавий комиллигини юксалтиради¹⁰⁶.

Ҳозирги замон Ўзбекистон ёшларининг қадриятли йўналишларини, интилишларини билиш ўз-ўзидан долзарб бўлиб қолмай, балки Ўзбекистон жамияти ривожланишининг мавжуд тенденциялари ва умумий йўналишини тушуниш муҳимдир. У нафақат ёшлар жамиятининг бугунги ҳолати тўғрисидаги тасаввурларни, балки кейинчалик ўз мамлакатининг фуқароси сифатида уларнинг турмуш тарзида ва реал хулқ-атворида намоён бўлувчи уларнинг ўзига ўзи баҳо бериши, ўзини ўзи идентификация қилиши, ўзини

¹⁰⁵ Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати/ ЎзР Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси, Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти; таҳрир хайъати: Х. Султонов ва бошқ.; тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров. – Т.: Ғафур Ғулом, 2009. – Б. 49.

¹⁰⁶ Эргашев Қ. Ёшларнинг маънавий тарбияси. – Т.: Маънавият, 1998. – Б. 14.

Ўзи рефлексия қилиши хусусиятларини ўз ичига олиши туфайли ҳам бундай билишнинг аҳамияти ортиб боради¹⁰⁷.

Хусусан, И.А.Каримов ҳам “Келажагимиз пойдевори билим даргохларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ”¹⁰⁸ – деб таъкидлаганлар.

Мазкур фазилатларни ёшларга болалиқдан сингдириб бориш керак. Чунки, инсон илк тарбияни оилада олади, шунинг учун ҳам биринчи тарбия муҳим ҳисобланади. Унинг таъсири одам табиатига муҳим ўрнашади. Шахс руҳияти, ахлоқ жавҳари ва одатлари болалигидан шаклланади¹⁰⁹. Демак, инсон камолоти ёки тубанлиги унинг оилада олган таълим-тарбиясига бориб тақалади. Оилавий муҳитнинг соғломлиги, ундаги ахлоқий-маънавий муҳит, алоҳида олинган шахс ва жамиятни тараққиёти ҳамда келажагини белгиловчи бирламчи омилдир.

Ўзбек оилаларининг ўзига хос жиҳатлари шундаки, фарзандлар тарбиясига жиддий эътибор қаратилади. Давлатимиз томонидан оилага бўлган эътиборнинг замирида ҳам соғлом авлодни тарбиялаш ётади. Зеро, ислом динининг асосий мақсади ҳам ахлоқли, ҳар томонлама етук шахсларни вояга етказишдан иборат. Президент Ислам Каримов муқаддас динимизни ўзбеклар оиласига қанчалик сингиб, унинг ажралмас қисмига айланиб кетганига тўхталиб бундай дейдилар: “Туғилганда қулоғимизга азон айтилади, оила қурганимизда шаръий никоҳ ўқилади, дунёдан кўз юмганимизда жаноза ўқилади. Ҳатто диндан чуқур хабардор бўлмаган одам ҳам диний урф-одатларсиз, исломий туйғусиз яшай олмайди”¹¹⁰.

¹⁰⁷ Ўзбекистон ёшлари: ижтимоий киёфа. Масъул муҳаррир: Убайдуллаев Р.А. – Т.: Ижтимоий фикр, 2008. – Б. 6.

¹⁰⁸ Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 61.

¹⁰⁹ Афдурауф Фитрат. Оила. – Т.: Маънавият, 2000. – Б. 34.

¹¹⁰ Алимов У. Илмнинг фазилати. – Т.: Мовароуннахр, 2010. – Б. 101.

Қуръон ва ҳадисларда кўп учрайдиган ва муҳим ўрин олган масалалардан бири ҳам оила маънавияти, фарзанд, ота-она, эр ва хотин қариндош ва қўшнилар ўртасидаги муносабатларнинг диний-ахлоқий муаммосидир. Маънавияти етук, одобли фарзандларни тарбиялаш ҳар бир ота-онанинг эзгу тилагидир. Ота-онага бўлган ҳурмат эса етук ахлоқий фазилат бўлиб ҳисобланади. Бу ҳақида Қуръони каримда Лукмон (а.с) ўз ўғилларига шундай насиҳат қилганлар: **“Эй, ўғилчам! Намозни баркамол адо эт, яхшиликка буюр ва ёмонликдан қайтар ҳамда ўзингга етган (балолар)га сабр қил! Албатта, мана шу пухта ишлардандир. Одамларга (кибрланиб) юзингни буриштирмагин ва ерда керилиб юрмагин! Чунки, Аллоҳ барча кибрли, мақтанчоқ кимсаларни суймас. (Юрганигда) ўртаҳол юргин ва овозингни паст қилгин! Чунки овозларнинг энг ёқимсизи эшаклар овозидир”**¹¹¹ (Лукмон сураси 17-19 оятлар). Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ҳадисларида: “Ота-онанинг умиди-фарзандлар камоли бўлади, токи улар ота-оналари қариганда жонига дармон бўлсинлар¹¹²”, деб насиҳат қилинади.

Воқеан, инсон шахсини шакллантиришда оиладаги муҳитнинг ўрни каттадир. Фарзандларнинг бахти уларга қолган давлат ва мерос билан эмас, балки ота-оналари ўргатган ахлоқ, одоб билан белгиланади деган фикрни Муҳаммад (с.а.в.) ҳадисларида айтиб ўтганлар: “Фарзандларингизни иззат-икром қилиш билан бирга ахлоқ-одобини ҳам яхшиланглар”¹¹³, “Ҳеч бир ота ўз фарзандига хулқу-одобдан буюкроқ мерос бера олмайди”¹¹⁴.

Демак, Оят ва ҳадислардаги оила мустаҳкамлиги, фарзанд камоли ва жамият барқарорлиги учун берилган кўрсатма ва насиҳатларни ёшларга қанча эрта сингдирилса, уларга шу асосда тарбия берилса, келажакда бу ўз самарасини бермасдан қолмайди. Шунингдек, оилани муқаддас деб билиш, кадрлаш ҳамда ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабатларда юксак одоб-

¹¹¹ Мансуров.А. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. –Т.: ТИУ, 2009. –Б. 412.

¹¹² Зиёев Т. Юз бир ҳадис – Т.: Мехнат, 1991. – Б. 36.

¹¹³ Имом Бухорий. “Ал -адаб ал -муфрад”. – Т.: Ўзбекистон, 1990. – Б. 45.

¹¹⁴ Ўша китоб. – Б. 46.

ахлоқда бўлиш туйғуларини болаликданок ҳар бир юртдошимизга сингдирилиши кўзланган мақсадга етишимизда ёрдам беради.

Таъкидлаш жоизки, ахлоқий комиллик мезонлари кишилар ўртасидаги оддий муносабатда, салом бериш ва алик олишда намоён бўлади. Маънавиятнинг боши оддий салом-алиқдан бошланади. Қуръони каримда: **“Қачон сизларга бирор саломлашиш (ибораси) билан салом берилса, сизлар ундан чиройлироқ қилиб алик олингиз ёки ўша (ибора)ни қайтарингиз! Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсани ҳисобга олувчи зотдир”**¹¹⁵ (Нисо сураси 86-оят) - деб таъкидланади. Хадисларда ҳам бу ҳақида шундай дейилади: “Ҳеч бир инсон уч кеча-кундуздан ортиқ ўз биродари билан аразлашиб, бир-бирини учратганда тескари қараб кетмасин. Қайси бири учрашганда аввал салом берса, ўша яхшироқдир”¹¹⁶. Шунингдек, “Ислондаги энг яхши амалларинг – очларни туйғизмоғинг, таниган ва танимаган одамга салом бермоғинг”¹¹⁷ – деб насиҳат қилганлар.

Шу билан бир қаторда, бугунги кунда “акме шахс” деган тушунча ҳам илмий муомалада мавжуд бўлиб, у муайян бир соҳанинг ҳақиқий билимдони, шу билан биргаликда, техник фанларни ҳам яхши билувчи, ахлоқ ва одобда баркамол, замон талабига жавоб берадиган кишига нисбатан қўлланилмоқда. Буларга мисол қилиб, Нобель ва Давлат мукофотларининг совриндорлари, жаҳон чемпионлари, мамлакат қаҳрамонлари ҳамда ўз ишининг устаси бўлиб, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган кишиларни олсак бўлади. Бу жараёни тадқиқ қиладиган янги илм-фан тармоғи “Акмеология” дейилиб, у илм-фан майдонида ўз ўрнини эгаллашга ҳаракат қилмоқда¹¹⁸.

Юксак маънавий фазилатлар эгаси бўлган комил инсон: нафс ҳуружини, лаззатларга бўлган мойиллик ожизлигини енга оладиган зотдир. Ҳар бир жамият таянадиган маънавий қадриятлар қанчалик умуминсоний

¹¹⁵ Мансуров А. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. –Т.: ТИУ, 2009. –Б. 91.

¹¹⁶ Имом Бухорий. Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1991. Ж. 1. – Б. 103.

¹¹⁷ Ўша китоб. Ж. 1. – Б. 100.

¹¹⁸ Зиёмуҳаммадов Б. Исмоилов Ф. Баркамол авлодни вояга етказиш сирлари. – Т.: Сано-стандарт, 2011. – Б. 21.

мазмунга эга бўлса, у шунчалик умрбоқийдир. Одам қандай хулқ, ахлоқий, маданий сифатга эга бўлса, фаолият тарзини намоён этса, унинг кадр-қиймати ҳам шунчалик юксак бўлади.

Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, қадим-қадимлардан мўътабар заминимизда яшаб келган аллома ва мутафаккир аждодларимиз ҳам комил инсонни тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратганлар. Маълумки, инсон камолотга ёлғиз ўзи эриша олмайди. У бошқаларнинг меҳр ва ардоғига, кўмагига мухтож бўлади. Буюк қомусий олим Абу Наср Фаробий (873-950) нинг таъкидлашича: “Инсон фазилатлар билан камолотга етади ва камолотга етган одам бахтли ҳисобланади”¹¹⁹. Шунингдек, мазкур аллома ақлни маънавий-ахлоқий камолотга эришишнинг энг асосий воситаси деб ҳисобланган. “Ҳар бир инсон бошидан комил эмас, аммо туғма равишда ўзига хос бўлган ички шуури ила босқичма-босқич комилликка жидду-жаҳд билан интилади. Ҳамма нарсани идрок қилиш инсонни комиллик ва лаззат томон бошлайди”¹²⁰. Шу муаммони таҳлил қилган Юсуф Хос Ҳожиб (1019-1088) сўзлари билан айтганда, “Камолотга етиш йўли иккита, билим олиш ва ибрат ўрганиш”¹²¹ дир. Баркамолликка эришиш йўллари, Фаробий ва Юсуф Хос Ҳожиб асарлари билан биргаликда Абу Райҳон Беруний ҳам ўз карашларини билдирган. У ахлоқни ижтимоий ҳодиса сифатида талқин қилиб, унинг асосида меҳнат, шахснинг жамиятга, кишиларга, ўзига нисбатан муносабати ва ўз-ўзини англашдан келиб чиққан қадрият – ҳислатдир, дейди. Мана шу ҳолат инсонни улуғворлик ва комиллик сари етаклайди, деб биледи. “Меҳнат қилмасдан олий мартабага эришган киши тинч ва роҳатда яшайди, яхши кийинади, аммо у улуғворлик либосидан яланғочдир”¹²². Абу Али ибн Сино эса инсоннинг даражасини унинг ахлоқий фазилатларини эгаллаши билан бирга жисмонан ҳам соғлом бўлишида деб ҳисоблайди. Абу Али ибн

¹¹⁹ Абу Наср Фаробий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. – Т.: Ёзувчи, 2001. –Б. 38.

¹²⁰ Ўша китоб. – Б. 14.

¹²¹ Зиёмуҳаммадов Б. Исмоилов Ф. Баркамол авлодни вояга етказиш сирлари. – Т.: Сано-стандарт, 2011. – Б. 22.

¹²² Абу Райҳон Беруний. Т.П.Танланган асарлар. – Т.: Фан, 1968. – Б. 404.

Сино ҳам Беруний каби ахлоқий баркамолликнинг мезони инсоннинг ўзига, атрофдаги кишиларга, жамиятга бўлган муносабатларида намоён бўлади деб ҳисоблаган ҳолда, унинг жисмонан баркамол бўлишига ҳам эътибор қаратади. Алишер Навоий фикрича, инсоннинг кадр-қиммати унинг мол-мулки билан эмас, балки маънавий қиёфаси, ахлоқий сифатлари билан ўлчанади, яъни “Элга шараф бўлмади шоҳу насаб, лек шараф келди ҳаё ва адаб”¹²³.

Комил инсон тушунчаси тасаввуф адабиётида кўп маротаба тилга олиниб мунозараларга сабаб бўлган ва бу ҳақда махсус китоблар ёзилган. Шулардан Ибн Арабий, Ҳусайн Воиз Кошифий, саййид Абдулқодир Жилоний, Азизиддин Насафийларнинг рисолаларини тилга олиб ўтиш мумкин.

Бағрикенглик, кенгқалблик, очиқ юзлик, ширин сўханлик, ўзгалар манфаатини шахсий манфаатидан устун қўйиш, тўғри йўлга бошлаш, ўзи хуш кўрган нарсани ўзгага ҳам раво кўриш, ҳеч кимга зарар бермаслик каби ўзида юксак инсоний фазилатларни мужассам этган таълим-тарбия, одоб-ахлоқ намуналарини тарғиб этувчи оят ва ҳадислар ниҳоятда кўп бўлиб, улар умуминсоний миллий ва ахлоқий қадриятлар билан уйғунлашиб кетган.

¹²³ Пардаева М. Алишер Навоий асарларида комил инсон ғояси. Фал.фан.ном. ...дис.автореф. – Т.: ЎзР ФА. Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2010. – Б. 9.

2.2. Комил инсонни шакллантиришда Қуръони каримдаги ахлоқий қарашларнинг устувор хусусиятлари

Комил инсон ва унинг тарбияси тўғрисидаги назария ва услубият методологик жиҳатдан Ўзбекистон Президенти асарларида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, “Таълим тўғрисидаги”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ва бошқа ҳужжатларда ҳар томонлама ишлаб чиқилган. Шуларга мувофиқ равишда, таълим тизимини янги замон талаблари даражасига кўтариш, соғлом, баркамол, маънавиятли ёшларни тарбиялаш энг муҳим вазифа эканлиги белгилаб берилган.

Ўзбекистонда 2010 йил – “Баркамол авлод йили” деб эълон қилиниб, энг эзгу мақсадларимиз сари яна бир бор илгариларча қадам ташланган эди. Мамлакатимиз Президентининг 2010 йил 27 январдаги Қарорига мувофиқ “Баркамол авлод йили” Давлат дастури тасдиқланди¹²⁴. Ушбу дастурдан кўзланган мақсад, мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларни ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини руёбга чиқариш, мамлакатимиз йигит-қизларини ХХІ аср талабига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган ва энг муҳими комил инсонлар қилиб вояга етказишдир.

Бу ўринда юқорида зикр этилган қонун ва дастурлар билан бир қаторда Қуръон оятлари хусусан, ҳадисларда инсоннинг тарбияси борасидаги кўрсатмалар ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Зеро, ҳадисларнинг бирида Муҳаммад (с.а.в.) “Мен Аллоҳ томонидан инсонлардаги комил ахлоқни такомиллаштириш учун юборилганман” – деган сўзлари ҳам ислом динида ахлоқий тарбия масаласи устувор ўрин эгаллашини кўрсатади. Шундай экан, аввало, “инсон”нинг ўзига берилган таърифларга назар солмоқ керак.

¹²⁴ 2010 йилни “Баркамол авлод йили давлат дастури тўғрисида Президент Қарори”, “Маърифат” 27 январь, 2010 й.

Биринчидан, биологик жиҳатдан олиб қаралганда инсон биоижтимоий маҳлуқотдир. Бошқача қилиб айтганда, у ҳам биологик, шу билан бир қаторда ҳам ижтимоий моҳиятга эга. Кишининг ижтимоий моҳияти деганда, аجدодлардан унга мерос бўлиб ўтган ирсий бирликлари (ген)даги ахборотлар билан унинг шахсий ҳаёти давомида орттирган билими, кўникма, малака ва маънавиятининг мураккаб мажмуи тушунилади¹²⁵.

Иккинчидан, фалсафий луғатларда инсонга ҳар қандай фалсафий таълимотнинг асосини ташкил этувчи фундаментал фалсафий категория деб таъриф берилган. Инсон тушунчасига аниқ таъриф бериш учун уни оламда мавжуд бўлган бошқа биологик мавжудотлардан ажратиб турувчи энг муҳим хусусиятларни аниқлаш зарур. Таъкидлаш лозимки, энг аввало инсон биологик мавжудотлардан ўзининг хотираси, тафаккури, тили борлиги билан ажралиб туради. Айниқса, тил унинг аجدодлари ва авлодлари орасидаги ворисийлик, алоқадорлик вазифасини бажаради. Инсон наслига хос барча генетик хусусиятлар, ахлоқий нормалар, унинг фаолиятини бошқарувчи дастурлар худди шу тил орқали аجدодлардан авлодларга узатилади. Бошқа тирик мавжудотлардан инсоннинг туб сифатий фарқини ифодаловчи хусусиятлардан яна бири унинг ўз амалий фаолиятини тартибга сола билишидир. Бу ҳолат инсоннинг инсонийлигини белгиловчи энг муҳим хусусият, маданият эканлигини ифодалайди. Инсон ҳаётида меҳнат асосий рол ўйнайди. Меҳнат туфайли инсон ўзи яшаётган табиий муҳитни ўзгартиради, моддий ва маънавий бойликлар яратади, ўз-ўзини ўзгартиради.

Учинчидан, ислом дининг асосий манбаси бўлмиш Қуръоннинг “ал-Исро” сурасида “**Дарҳақиқат, (Биз) Одам фарзандларини (азиз ва) мукаррам қилдик**”¹²⁶ деб айтилган. “Бақара” сурасида эса инсоннинг бошқа маҳлуқотлардан ажратиб турувчи сифатлари тўғрисида қуйидаги оятлар мавжуд: “(Аллоҳ) **Одам (Ато)га барча номларни ўргатди. Сўнг уларни**

¹²⁵ Зиёмуҳаммадов Б. Исмоилов Ф. Баркамол авлодни вояга етказиш сирлари. – Т.: Сано-стандарт, 2011. – Б. 10.

¹²⁶ Мансуров А. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. –Т.: ТИУ, 2009. – Б. 289.

фаришталарга (бирма-бир) кўрсатиб деди: “Агар ростгўй бўлсангиз, ана у нарсаларни номлари билан Менга айтиб берингиз!”¹²⁷ (Улар) дедилар: “Зоти покинг ҳаққи, бизда Ўзинг билдирганингдан ўзга илм йўқдир. Албатта, Сен илм ва ҳикмат эгасидирсан”. (Аллоҳ) айтди: “Эй, Одам, уларга номлари билан айтиб бер”. Уларга номлари билан айтиб берганида, (У) деди: “Мен осмонлар ва Ер сирларини, сизлар ошкор қилаётган ва яшириб юрган нарсаларингизни билурман, демаганмидим?!”¹²⁸. Бу оятларда одамзод бошқа махлуқотлардан ўзининг билими билан ажралиб туриши, шунинг учун ҳам, у Аллоҳнинг Ердаги ардоқли махлуқоти экани яққол сезилиб турибди.

Бундан кўриниб турибдики, киши ўзининг маънавияти устида ишлаши ёки бошқаларда чиройли фазилатларни шакллантириш учун, энг аввало инсоннинг асл моҳияти билан таниш бўлиши лозим.

“Инсон” деган ном ғоятда улуғ, унинг мартабаси баланд, шунинг учун ҳам комиллик йўлларида дадил қадам ташлаш ҳар бир одамнинг бирламчи ва маъсулиятли бурчидир. Комил инсон мартабасига фақат ошиқлик туйғуси ила, ҳикмат эгаллаш йўли билан эришилади. Инсон, баркамоллик пиллапояларидан, дунёдаги барча нарсаларга ва одамларга бўлган муҳаббат ҳис-туйғуси билан билимлар эгаллаш орқали ўз-ўзини тарбиялаш ва четдан бериладиган таълим-тарбия натижасида, кўтарилиб боради. Тарбия ахлоқни шакллантирса, билим тафаккурга куч беради. Буларга хоҳиш, интилиш ва шижоат қўшилиб, уйғунликда инсонни комиллик сари етаклайди. Хоҳиш, интилиш ва шижоат эса, кишида, фақат муҳаббат натижасида пайдо бўлади¹²⁹.

¹²⁷ Мансуров А. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. –Т.: ТИУ, 2009. – Б. 6.

¹²⁸ Ўша китоб. – Б. 6.

¹²⁹ Зиёмуҳаммадов Б. Исмоилов Ф. Баркамол авлодни вояга етказиш сирлари. – Т.: Сано-стандарт, 2011. – Б. 7.

Мутахассисларнинг таърифлашича, комиллик – инсоннинг камолотга эришув жараёнидаги баркамоллиги даражасини ифодаловчи тушунчадир¹³⁰. Инсон камолотида эса жисмоний ва маънавий гўзаллик муҳим аҳамият касб этади. Комил инсонда инсонийликнинг энг олий мезонлари жамулжам бўлади.

Маълумки, “комил инсон” тушунчаси Аллоҳ таолонинг одамни яратишдан кўзлаган мақсадига тўлиқ жавоб бера оладиган ҳамда одамлар доимо орзу қилиб келадиган идеал шахсга нисбатан ишлатилади. Буларга, Пайғамбарларни ва биринчи навбатда Муҳаммад (с.а.в.) ни, саҳоба ҳамда азиз авлийоларни ва шуларга яқинлашиб қолган шахсларни мисол қилиб олиш мумкин.

Масалан, Ибн Арабий наздида комил инсонни Аллоҳ илоҳий нурдан яратган. Ислом уламолари кўрсатилишича, илоҳий нур барча мавжудотлардан, хатто ер ва осмондан ҳам аввал яратилгандир. Ибн Арабийнинг таъкидлашига кўра, комил инсоннинг ердаги тимсоли – Ҳазрати пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) дир. У зот вужудида ақлий, руҳий камолот, дунёвий ва илоҳий билимлар жамулжам эди¹³¹.

Кетма-кетлиги жиҳатидан олам биринчи, одам иккинчи барпо бўлади. Лекин оламни яратишдан мантиқан кўзланган мақсад одам эди. Буни Азизиддин Насафийнинг “Комил инсон” рисоласида ҳам кўриш мумкин. У айтадики, “инсон олами сағир (кичик олам), илоҳий ва моддий олам биргаликда олами кабир” (улуғ олам)дир. Улуғ оламдаги жамики нарса ва хусусиятлар кичик оламда мавжуддир, инсон катта оламнинг кичрайтирилган нусхасидир. Азизиддин Насафий комил инсонга таъриф бериб, “комил инсон деб шариат, тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамга

¹³⁰ Назаров Қ. Фалсафа қомусий луғати. – Т.: Шарқ, 2004. – Б. 57.

¹³¹ Умаров Э; Абдуллаев М. Маънавият асослари. – Т.: Чўлпон, 2006. – Б. 62-63.

айтадилар”, дейди. Бошқача айтганда, комил инсон шундайки, унда тўрт нарса камолга етган бўлади: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф¹³².

Жалолиддин Румий инсонни камолотга етказувчи ахлоқий сифатларни энг кўп тараннум этган. Аввало шуни айтиш жоизки, Румий комил инсон деганда биринчи навбатда Муҳаммад пайғамбарни тушунади, комиллик даражасини унга қанчалик эргашиш нисбатига қараб белгилайди. Унинг асарларида комилликка элтувчи амалий хатти-ҳаракатлар, мезоний ахлоқий тушунчалар Қуръон ва ҳадисларда келтирилган амалий кўрсатмаларга риоя қилишлик билан баҳоланади.

Комил инсонга оид қарашларни Абулқосим Замахшарий (1074-1144), Аҳмад Яссавий (1103-1166), Алишер Навоий (1441-1501), Заҳриддин Муҳаммад Бобур (1483-1530), Сўфи Оллоёр (1644-1724) каби буюк аллома ва мутафаккирларимиз маънавий-ахлоқий меросларидан ҳам билиб олишимиз мумкин.

Ислom динида ахлоқий камолот муаммолари тор маънода ёки битта миллатнинг манфаатлари билан боғлиқ равишда талқин этилмайди. Балки жамият тараққиётини таъминлаш, ундаги барча муаммоларни ечишнинг асосий, ҳал этувчи шарти сифатида талқин қилинади. Комил ахлоқнинг мезонлари мавжуд бўлиб, киши уларни шакллантириб боргандагина ахлоқий комилликка эришади. Ахлоқлилик мезонлари масаласига ислom динида ниҳоятда катта эътибор берилган. Ислom динида, хусусан, Қуръон оятлари ва ҳадисларда ўртага қўйилган ахлоқий қарашлар, уларнинг моҳияти ва мезонлари устида тўхтаб ўтиш мақсадга мувофиқ.

1. Имон-эътиқод. Имон хусусида Қуръоннинг Тавба сураси 124-оятида “Аmmo имон келтирганларнинг имонларини эса (бу сура) зиёда қилур ва улар шод бўлурлар”¹³³, дейилади. Эътиқоднинг инсон ҳаётидаги ўрни ҳақида Президент Ислom Каримов шундай таърифлаганлар: “Мутафаккир

¹³² Ўша китоб, – Б. 62.

¹³³ Мансуров А. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. –Т.: ТИУ, 2009. – Б. 207.

бобомиз Аҳмад Яссавийнинг инсон маънавий камолотга интилиб яшаши лозим, кўнглида эътиқоди йўқ одам эса инсон номига номуносибдир” – деган ибратли ҳикмати яна бир бор эслаш жоиз”¹³⁴. Ҳадисларда эса, етук ахлоқлиликнинг мезонларининг энг асосийси имонлилик, диёнатлиликдир. Имонсизлик, диёнатсизликни келтириб чиқаради. Пайғамбаримиз ҳадисларидан бирида шундай дейилади: “Ҳеч бирингиз ўзи яхши кўрган нарсани биродарига ҳам раво кўрмагунча мўмин бўла олмайди”¹³⁵, “Мўминларнинг имони комилроғи, хулқи яхшироғидир...”¹³⁶. “Мўмин одамлар унга қонлари ва молларини ишонган одамдир”¹³⁷. Шунингдек, “Уч (хислат бор), ким уларни мужассам қилса, имонни мужассам қилибди: инсофли бўлиш, барчага салом бериш, камбағалликда ҳам инфоқ-эҳсон қилиш”¹³⁸ деган ҳадис орқали ҳам имон-эътиқодли инсоннинг фазилатлари ҳақида билиш мумкин.

Имон деганда, Қуръони карим, ҳадис ва шариат аҳлларининг фикридан келиб чиқиб қуйидагича таърифланади: Аллоҳнинг яқкалиги, Унинг китоблари, пайғамбарлари ҳамда фаришталарини тан олган ва ўлимдан кейин қайта тирилиш ҳақ эканига ишонган, шунингдек, ислом шариати буюрган беш вақт намоз ўқиб, ўттиз кун рўза тутган, закотини вақтида тўлаб, доимо эҳсонлар қилиб юрган ва ҳаж амалини кўнглида тугиб ёки буни бажариб қўйган одам имонлидир. “Имон бу Аллоҳнинг борлигига, унинг сифатларига, қиёмат кунига, яхшилик ва ёмонлик Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг ўзидан бўлишига ва динда кўрсатилган нарсаларнинг мажмуига ишониш демақдир”¹³⁹.

Маълумки, имон марказида муайян дунёқараш, оламга, одамга ва уларнинг турли уюшмаларига муносабат белгилаш ётса-да, аммо, умуминсоний ахлоқий қадриятлар – сўз билан иш (амал) бирлиги, инсоф, диёнат, ҳалол-

¹³⁴ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – Б. 10.

¹³⁵ Имом Бухорий. Сахиҳул Бухорий. – Т.: Hilol-Nashr, 2012. – Б.133.

¹³⁶ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. – Т.: Шарқ, 2008.Ж. 2. –Б. 81.

¹³⁷ Ўша китоб. – Б. 54.

¹³⁸ Имом Бухорий. Сахиҳул Бухорий. – Т.:Hilol-Nashr, 2012. – Б. 142.

¹³⁹ Маҳкамов У. Ахлоқ-одоб сабоқлари. – Т.: Фан, 1994. – Б. 49.

поклик, виждонлилик, садоқат, муҳаббат, тил ва дил бирлиги, ватанпарвар, шунингдек, оила, жамият, халқ ва бутун инсоният олдидаги бурчни англаш каби фазилатлар имонлилик шартлари ҳисобланади¹⁴⁰. Шунинг учун ҳам имонсизлик ва шубҳаланиш муҳитида инсон шахс сифатида шаклланиши қийинлашади. Зеро, Расулуллоҳ айтганларидек, “Яхши гумон яхши бандада бўлади”¹⁴¹.

2. Билим. Халқимиз азалдан илм-маърифатга интиланган, китоб ўқишга қаттиқ муҳаббат қўйган. Шунинг учун ҳам юртимиздан улуғ олим ва мутафаккирлар кўплаб чиққан. “Илм” сўзи Қуръони каримнинг 811 жойида турли маънолари билан келган. Хусусан, Қуръонда **“Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража (мартаба)ларга кўтарур”**¹⁴², **“Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлурми?!”**¹⁴³ дейилган. Имом Бухорийнинг “ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ” асарида шундай ҳадис келтирилади “Икки кишидан бошқага ҳасад йўқ: Аллоҳ мол-дунё бергану уни ҳақ йўлда сарф қилиб юборишга муваффақ қилинган кишига ҳамда Аллоҳ ҳикмат ато этгану, у билан ҳукм қилиб, уни ўргатадиган кишига”¹⁴⁴. Абу Хурайрадан (р.а.) ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ (с.а.в.) бундай деганлар: “Агар инсон вафот қилса, унинг барча амали тўхтайдиган, фақат уч нарсада тўхтамай номаи аъмолига ёзиб борилади: 1) садақаи жория, яъни кишиларга манфаати етадиган мадраса, кўприк, ариқ қабиларга сарфланадиган эҳсон; 2) манфаатли илм, яъни ўргатилган илм ёки ёзиб қолдирилган асар; 3) ота-онасига дуо қилувчи солиҳ фарзанд қолдирилиши”¹⁴⁵. Шу билан қаторда ҳадисларда илмнинг фазилатлари ҳақида ҳам сўз юритилади: “Аввало олим бўл! Лоақал таълим олувчи ёки тингловчи, илму уламоларни севувчи бўлгин. Аммо бешинчи одам бўлмагинки, ҳалок бўлурсан”¹⁴⁶, “Илм ибодатдан

¹⁴⁰ Назаров Қ. Фалсафа қомусий луғати. – Т.: Шарқ, 2004. – Б. 145.

¹⁴¹ Абдужабборов А. Инсон кўрки – одоб. – Т.: ТИУ, 2004. – Б. 45.

¹⁴² Мансуров А. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. –Т.: ТИУ, 2009.– Б. 185.

¹⁴³ Ўша китоб. – Б. 459.

¹⁴⁴ Имом Бухорий. Саҳиҳул Бухорий. – Т.: Hilol-Nashr, 2012. – Б. 179.

¹⁴⁵ Алимов У. Илмнинг фазилати. – Т.: Мовароуннаҳр, 2010. – Б. 43.

¹⁴⁶ Маърифат – тинчлик асоси. Тузувчи Раҳимжонов Д; Масъул муҳаррир Исломов З. – Т.: ТИУ, 2009. – Б. 66.

афзалдир ва тақво диннинг тутиб турувчиси (устуни)дир”¹⁴⁷. Шунингдек, “Илм талаб қилишлик ҳар бир мусулмон учун фарздир. Илм толиби учун ҳамма нарса, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам гуноҳини сўраб истиғфор айтади”¹⁴⁸ каби ҳадисларда билим олишга ва илмли инсонларни ҳурмат қилишга чақирилади. Зеро, билим – қурол, яшаш қуроли, дунёни англаш, ўзни англаш қуроли. Билимсиз одам ҳар қандай ёлғонларга ҳам, майда-чуда гапларга ҳам эргашиб, ишониб кетади. Билим, маърифат одамини ўйлайдиган, мушоҳада юритиб, ўз фикри, қарашлари билан мустаҳкам турадиган, керак бўлса, имон-эътиқодда ҳам қатъий турадиган қилади¹⁴⁹.

Дарҳақиқат, қайси жамиятда илмга ташналик сусайса, илм ўрганишга эътибор камайса, кишилар фикрлашдан тўхтаса, ўша жамият тараққиётдан ортда қолади. Энг ёмони у маънавий инқирозга ёки ҳалокатга юз тутиши мумкин. Демак, баркамол инсон илмли ва заковатли бўлса имони бутун, хулқ-атвори намунали шахс бўла олиши ҳақида оят ва ҳадисларда етарли маълумот олиш мумкин.

Бу борада Ўзбекистонда ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини руёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратиш ва иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга жалб этиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бунга мисол қилиб тадқиқотчиларининг иш ҳақи 1,6 баробарга кўпайганини, олий таълим муассасаларида ёш олимларнинг илмий тадқиқотини қўллаб-қувватлатлаш жамғармалари ташкил қилинганини келтириш мумкин¹⁵⁰.

3. Поклик. Тавба сурасининг 108-оятида **“Унда покланишни хуш кўрадиган кишилар бор. Аллоҳ эса покланувчиларни севар”**¹⁵¹ дейилган. Аллоҳ бу оятда поклик ва пок кишиларни мадҳ этиб ва пок кишиларни яхши

¹⁴⁷ Ўша китоб. – Б. 66.

¹⁴⁸ Ўша китоб. – Б. 66.

¹⁴⁹ Комилов Н. Комил инсон – миллат келажаги. – Т.: Ўзбекистон. 2001. – Б. 5.

¹⁵⁰ Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан: Ўзбекистоннинг 20 йиллик мустақил тараққиёт йўлида киритган ютуқ ва натижалари, мамлакатимизнинг салоҳияти ва аҳамиятини аҳолининг кенг қатламларига етказиш, жойларда ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар, тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга ошириш учун мўлжалланган. / ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ЎзР Маҳалла жамғармаси; масъул ижодий гуруҳ. А.Ш. Бекмуродов ва бошқ. – Т.: Ўқитувчи, 2011. – Б. 171.

¹⁵¹ Мансуров А. Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. –Т.: ТИУ, 2009. – Б. 204.

кўришини эълон қилган. Ҳадисларда эса озодалиқ ва орасталиқ ҳақида кўйидаги кўрсатмалар бор: “Аллоҳ таоло покдир, покликни яхши кўради, у саҳийдирки, саҳийликни яхши кўради. Ҳовли, саҳн ва турар жойларингизни покиза тутинглар...”, “Таҳоратда қўл ва оёқ бармоқлари орасини ҳилол килувчи, таомдан кейин эса тишларини тозаловчи умматларим қандай яхшидирлар”¹⁵². Хусусан, Имом Бухорийнинг “ал-Жоме ас-Саҳиҳ” китобларида покизалиқ хусусида шундай дейилади.

Демак, поклик имонли одамнинг хусусияти бўлиб, уни ўзида мужассам қилган инсон руҳи ва танасининг саломатлини сақлаб юрган ҳолда, ҳам маънан ва жисмонан соғлом бўлади.

4. Тарбия. Одам онадан ахлоқли бўлиб туғилмайди. Ахлоқлилик – яхши тарбиянинг маҳсулидир. Бу борада Президентимиз “Мен Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё – ҳаёт, ё – мамот, ё – нажот, ё – ҳалокат, ё – саодат, ё – фалокат” деган фикрини кўп мушоҳада қиламан. Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан кўра муҳим ва долзарбдир”¹⁵³ – деб таъкидлаганлар. Ҳадисларда тарбия ахлоқни шакллантирувчи ва камол топтиришнинг муҳим шарти сифатида белгиланган. Хусусан, “Фарзандларингизни яхши боқингиз, уларни яхши тарбия қилингиз”¹⁵⁴, “Фарзандларингизни иззат-икром қилиш билан бирга ахлоқ-одобини ҳам яхшиланглар”¹⁵⁵, “Ҳеч бир ота ўз фарзандига хулқу-одобдан буюкроқ мерос бера олмайди”¹⁵⁶. Кўриниб турибдики, тарбия ҳам ахлоқий комилликнинг бир мезонидир.

Тарбия ҳақида Шайх Саъдий ўзининг “Гулистон” асарида шундай деб ёзган эди: “Кимда-ким ёшлиқдан тарбия олмаса, катта бўлгач, бахтли бўла

¹⁵² Маърифат – тинчлик асоси. Тузувчи Раҳимжонов Д; Масъул муҳаррир Исломов З. – Т.: ТИУ, 2009. – Б. 56.

¹⁵³ Каримов И.А. Жамиятимиз мафқураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат қилсин. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 93.

¹⁵⁴ Минг бир ҳадис. – Т.: Мовароуннаҳр, 1998. – Б. 63.

¹⁵⁵ Имом Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад. – Т.: Ўзбекистон, 1990. – Б. 45.

¹⁵⁶ Ўша китоб. – Б. 46.

олмайди. Хўл новдани истаганча букиш мумкин, куруқ новдани фақат оловда тоблаб тўғрилаш мумкин”¹⁵⁷. Тарбия ҳақидаги бу ғоя авлод-аждодларимиздан бизга етиб келган буюк мерос бўлиб, у комил инсонни вояга етказишда муҳимдир. Тарбия туғилган кундан бошланмоғи лозим.

Тарбия инсонларнинг фаолияти жараёнида уларнинг онги ва иродасини ўстиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, тарбия ижтимоий ходиса бўлиб, инсоният тараққиётининг турли босқичларида ўзига хос мазмун ва амалга ошириш шаклига эгадир. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви ёш авлодни миллий-маънавий руҳда тарбиялашда имкон яратди. Абдулла Авлоний айтганидек: “Агар инсон яхши тарбия топиб, бузук хулқлардан сакланиб, гўзал хулқларга одатланиб катта бўлса, ҳар ким қошида мақбул бахтиёр инсон чиқар”¹⁵⁸.

5. Ўз-ўзини англаш ва яхши хулқ. Ҳадисларда: “Ўзини таниган, роббисини танийди”, “Мўминларнинг имонда баркамоллари хулқи яхшиларидир”¹⁵⁹, – деган фикрлар айтилган. “Энг яхши хабар Аллоҳ таолонинг китобидир ва энг яхши хулқ-атвор – Муҳаммад (с.а.в.)нинг хулқ-атворларидир”¹⁶⁰. “Мўмин хушхулқлик билан рўзадор ва қоим¹⁶¹ даражасига етади”– деган насиҳатлар ислом динида ахлоқ канчалик катта ўрин эгаллаганини кўрсатади. Демак, асосий мезон ўз-ўзини англаш ва хусну-хулқдир.

6. Васатия. (ўртамиёналик) Бақара сураси 143-оятда: **“Шунингдек, сизларни (мусулмонларни бошқа) одамларга (умматларга) гувоҳ бўлишингиз ва пайғамбарнинг сизларга гувоҳ бўлиши учун “ўрта уммат” қилиб қўйдик”**¹⁶²,– дейилган. Ахлоқий комиллик олтин ўрталикни топиб, унга амал қилгандагина ҳосил бўлади. Ахлоқий хислатлари мўътадил инсон комил бўла олади. Бу борада Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай деганлар:

¹⁵⁷ Эргашев Қ. Ёшларнинг маънавий тарбияси. – Т.: Маънавият, 1998. – Б. 25.

¹⁵⁸ Мансуров А. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. –Т.: ТИУ, 2009. – Б. 16.

¹⁵⁹ Абдужабборов А. Инсон кўрки – одоб. – Т.:ТИУ, 2004. – Б. 5.

¹⁶⁰ Имом Бухорий. Ал-Жомеъ ас-сахих. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1992. Ж. 1. – Б. 70.

¹⁶¹ Изоҳ: Тунини тоат-ибодатда ўтказувчи.

¹⁶² Мансуров А. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. –Т.: ТИУ, 2009. – Б. 22.

“Амалларнинг яхшиси авсатлари – ўртачаларидир”. Инсондаги нафс, ғазаб ва шахват каби хусусиятларни жиловлаш, фойдали илм, ҳикмат каби хислатлардан оқилона фойдаланиш орқали ҳам руҳий ва жисмоний мувозанатни сақлаш мумкин.

7. Ҳаё. Комил ахлоқнинг мезонларидан яна бири ҳаёлилик, ифбат ва ширинсўзликдир. Ахлоқли инсон аввало ҳаёли ва иболи бўлади. Муҳаммад Зехний “Кишидан ҳаё кетса, тездагина бало етиб келади”¹⁶³ – деган. Имом Бухорийнинг “ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ” асарида ҳаё борасида қуйидаги ҳадис келтирилади “Расулуллоҳ (с.а.в.) ансорлардан бирининг ёнидан ўтдилар. У биродарини (ортиқча) ҳаё хусусида қойиётган эди. Шунда у зот: “Уни тек қўй, чунки ҳаё имондандир!” дедилар”¹⁶⁴. Ҳадисларда ҳаёсиз, ифбатсиз кимсалар ҳақида “Ҳаё ва камгаплик имондандир. Оғзи шалоқлик ва сергаплик эса – мунофиқликдан”¹⁶⁵, “Ҳар диннинг ўзига хос хусусияти бор. Мусулмончиликнинг хусусияти – шарм-ҳаё”¹⁶⁶, шунингдек, “Ҳаё фақат яхшилик келтиради”¹⁶⁷ – деган ҳикмат ҳам бор.

8. Саломатлик. Инсон камолотида жисмоний гўзаллик муҳим аҳамият касб этади. Жисмонан бақувват, соғлом бўлиш нафақат шахсий, балки ижтимоий қадриятдир. Бу борада Абу Али ибн Сино шундай деганлар: “Бадантарбия билан машғул бўлинса, ҳеч қандай дори-дармонга зарурат қолмайди, бунинг муайян бир тартибга риоя қилмоқ ҳам шарт”¹⁶⁸. Расулуллоҳ (с.а.в.) “Аллоҳдан авф (яна бир ривоятда: тўғри эътиқод) ва офият сўранглар. Чунки ҳеч бирларингиз имондан кейин офиятдек неъматни топа олмайсизлар”¹⁶⁹ деб айтган ҳадислари ҳам осойишталик ва соғлиқ қанчалик улуғ неъматлигини кўрсатади.

¹⁶³ Ҳасаний М. Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони. – Т.: Фан, 1998 – Б. 18.

¹⁶⁴ Имом Бухорий. Саҳиҳул Бухорий. – Т.: Hilol-Nashr, 2012. – Б.139.

¹⁶⁵ Абдуҷабборов А. Инсон кўрки – одоб. – Т.: ТИУ, 2004. – Б. 26.

¹⁶⁶ Ўша китоб. – Б. 26.

¹⁶⁷ Ўша китоб. – Б. 26.

¹⁶⁸ Соғлом авлод – бизнинг келагагимиз. – Т.: Абу Али Ибн Сино, 2000. – Б. 78.

¹⁶⁹ Маърифат – тинчлик асоси. Тузувчи Раҳимжонов Д; Масъул муҳаррир Исломов З. – Т.: ТИУ, 2009. – Б. 53.

Жамиятимиз ёшларини комил инсон қилиб тарбиялашда, Қуръони карим оятлари ва ҳадислардаги ахлоқий қарашлардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, мазкур оят ва ҳадислардаги ахлоқ принциплари комил инсон сифатларини шакллантиришга хизмат қилади.

Хулоса

Қуръони карим оятлари ва ҳадислар асрлар давомида мусулмон дунёсидаги таълим-тарбиянинг маънавий, илмий асоси бўлган. Тарихдан маълумки, барча буюк ватандошларимиз биринчи навбатда, юксак ахлоқли, одобли, яъни маънавий баркамол кишилар бўлганлар. Улар ўзларининг гўзал хулқлари билан ҳаммага ўрнак бўлиб, мазкур ахлоқларига ислом манбаларидаги кўрсатмаларга амал қилганликлари учун эришганлар. Ислам манбаларида ахлоқ-одобга оид бўлган диний, миллий, умуминсоний қадриятлар ҳам ўз аксини топган, улардаги инсофу-диёнат, адолату-инсонпарварликни тарғиб этгувчи ғоялари ҳозирги давримизнинг мураккаб ва зиддиятли ахлоқий-маънавий масалаларини ҳал этишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Битирув малакавий ишида юқоридаги фикрларга таяниб, ахлоқ ва одоб тушунчаларининг моҳиятини мустақил таҳлил ва тадқиқ этиш натижасида куйидаги хулосаларга келинди:

- Ахлоқ ва одоб тушунчалари моҳиятан бир, лекин шакл жиҳатидан айнан тенг эмас. Ахлоқ инсон руҳиятидаги одамлар ўртасидаги муносабатларга асос бўладиган маънавий қадриятлар тизимидир. Маънавият кенг тушунча бўлиб, ахлоқ унинг асосий заминини ташкил этади.

- Инсон руҳиятидаги имонлилик, инсофлилик, ростгўйлик, одамларни севиш, уларга раҳм-шафқат, меҳр-мурувват кўрсатишга интилиш, меҳнатсеваарлик, эътиқодлилик, оилапарварлик, содиқлик ва садоқатлилик, очиқ юзлилик, ҳаё ва андишалилик сингари фазилатлар ахлоқлилик деб аталган фаолиятнинг асосидир.

- Одоб эса ахлоқнинг амалда намоён бўлишидир, инсоннинг ҳаётида, фаолиятида, ҳатти-ҳаракатида, ўзини тутишида, қиёфасида, бошқаларга муносабатида турли шаклларда кўринишидир. Ахлоқли

одамгина одобли бўла олади. Инсоннинг одоблилик доирасидаги оддий ишларига қараб унинг руҳиятига, ахлоқий камолот даражасига баҳо бериш мумкин.

- Қуръони карим оятларида адолат, меҳр-мурувват, ҳалоллик, инсофлилик, инсонпарварлик, ватанпарварлик, мардлик, саҳоват, поклик сингари фазилатларни ёшларда шакллантиришга оид бўлган тарбиявий муаммолар ҳам ўз аксини топган.

- Ҳозирги кунда Марказий Осиё минтақасида экстремистик ҳаракатларни кучайтиришга моил кучлар мавжуд. Уларнинг қилаётган жинояткорона ишлари, ўртага қўяётган ғоялари мустақиллигимиз манфаатларигагина эмас, балки оят ва ҳадисларда баён этилган ахлоқий қадриятларга ҳам бутунлай тесқаридир. Бир жиҳатдан оят ва ҳадислар чуқур илмий манба сифатида экстремизмнинг ғайри инсоний ва ғайри исломий моҳиятини фош этишга ҳам имкон беради.

- Ислом ахлоқида аввал инсонни сўнгра жамият тартибини сақловчи, шахс ва жамиятни саодатга олиб чиқувчи, инсонларни саодатга етиштирувчи асосий асослар мавжуд.

- Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифлар ахлоқ-одоб тарбияси учун назарий ва амалий асос бўладиган бетакрор ахлоқ қомусидир. Уларда ахлоқ-одобга оид бўлган миллий, диний, умуминсоний қадриятлар ҳам ўз ўрнини топган. Шунинг учун ҳам ахлоқ-одоб тарбияси билан боғлиқ бўлган тадбирларни ўтказишда оят ва ҳадислардан кенг фойдаланиш ниҳоятда муҳимдир. Бунинг учун эса ахлоқ ва одоб мезонларининг оят ва ҳадисларда баён қилинган томонларига асосланиб алоҳида қўлланмалар яратиш ҳам фойдадан холи эмас.

- Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифларда ахлоқ ва одоб, қомил инсонни тарбиялаш, маънавий камолотнинг мезонлари масаласи умуминсоний қадриятларга таянган ҳолда мукамал ифодаланган.

- Қуръони карим, ҳадис, шариат ҳукмларида айтилган ахлоқ ва одобнинг моҳияти, мезонлари тўғрисидаги фикрларни ахлоқшунослик фанига қўшилган катта ҳисса деб айтиш мумкин.

Битирув малакавий ишида инсон маънавий камолоти ҳақидаги муҳим ғоялари Ўзбекистонда ёш авлодни баркамол авлод руҳида тарбиялаш борасида олиб борилаётган вазифаларимизда қўллаш долзарб аҳамият касб этишда келиб чиққан ҳолда қуйидаги **тавсиялар** берилди:

- Ёшларни баркамол инсон қилиб вояга етказишда оят ва ҳадислардаги комил инсон ва уни тарбиялаш йўлларини ўрганиш фойдалидир. Бу жараёнда Республикаimizда кўзга кўринган олимлари, ҳадисшунос ва файласуфлар ҳамкорлигида одоб-ахлоққа оид оят ва ҳадисларни тадқиқ қилишга бағишланган тадқиқотлар қўллаб қувватлаш ва рағбатлантириш ҳам ҳозирда долзарб вазифалардандир.

- Комил инсон ғоясини акс эттирувчи асарларни ҳозирги замон адабиёт тилига ўгириш, улар асосида электрон дарсликлар яратиш ва уларни олий ўқув юртларда ўтиладиган махсус курсларда қўллаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

- Талаба ёшларни онгига миллий ғоя ва унинг илдизларини сингдириш мақсадида Қуръони каримдаги комил инсон тарбияси тўғрисидаги ғоялари бўйича олий ўқув юртларда махсус курслар ташкил қилинса, услубий қўлланмалар яратилса, айти муддао.

- Диний-ахлоқий қадриятларни тарғиб этиш ҳамда баркамол авлод онгига миллий ғоя ва унинг илдизларини сингдириш мақсадида оятлардаги ахлоқий комиллик ғоялари бўйича олий ўқув юртларда махсус курслар ташкил қилиниши, услубий қўлланмаларнинг яратилиши кўзланган мақсадга эришиш самарадорлигини оширади.

- Қуръони карим оятлари, ҳадислар ва шариат ҳукмларида ахлоқ-одоб, инсоф, меҳр-мурувват, олижаноблик, маърифатпарварлик сингари масалаларини қамраб олган китоблар билан ўқув юртларини таъминлаш

зарур ҳамда диний, ахлоқий кадриятларни тарғиб этишда оммавий ахборот воситаларида янада кенгроқ фойдаланиш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, етук ахлоқий, маданий ва жисмоний фазилатлар ҳар жиҳатдан уйғун бўлган, чуқур ва замонавий билимга, кенг илмий дунёқарашга эга бўлган инсон комил бўлади. Шунингдек, ахлоқ ва одоб борасидаги кадриятларни билмай туриб, жамият тараққиёти ва инсон камолотининг маънавий асосларини барпо этиб бўлмайди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

Норматив ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 40 б.
2. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (янги таҳрирда). – Т: Адолат, 1998.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Баркамол авлод йили давлат дастури тўғрисида”, Маърифат, 27 январь, 2010 й.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида. Халқ сўзи, 2011 йил 21 май, № 100.

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. Каримов И.А. Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда. «Туркистон пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 32 б.
2. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. – Т.: Маънавият, 1999. – 10 б.
4. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 96 б.
5. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – 136 б.

6. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкуриси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат қилсин. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 293 б.
7. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 56 б.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 524.
9. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Ж. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 136 б.
10. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 176.
11. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 440 б.

Ўзбек тилидаги манба ва адабиётлар

1. Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. –Т.: ТИУ. 2009. – 624 б.
2. Муфтий Усмонхон Алимов. “Тафсири ирфон” тафсири. 29-жуз. –Т.: Шарқ.2012. – 384 б.
3. Муфтий Усмонхон Алимов. “Тафсири ирфон” тафсири. 30-жуз. –Т.: Шарқ.2012. – .
4. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. –Т.: Ўқитувчи. 1992. – 62 б.
5. Анвар Собиржон. Ибратли ҳикматлар. –Т.: Ўзбекистон. 2009. – 64 б.
6. Абдужабборов.А. Инсон кўрки – одоб. – Т.: ТИУ. 2004. – 36 б.
7. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2010. – 231 б.
8. Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. – Т.: Ёзувчи, 2001. – 48 б.

9. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2012. – 160 б.
10. Абу Райҳон Беруний. Т. II. Танланган асарлар. – Т.: Фан, 1968. – 404 б.
11. Афдурауф Фитрат. Оила. – Т.: Маънавият, 2000. – 89 б.
12. Алимов У. Илмнинг фазилати. – Т.: Мовароуннаҳр, 2010. – 127 б.
13. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар.//Таҳрир хайъати: А. Қаюмов ва бошқ; Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи, тўпловчи И. Ҳаққулов;/-. – Т.: Ғофур Ғулом, 1991. – 256 б.
14. Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: нашр учун масъул Бекмуродов А.Ш. ва бошқ. – Т.: Ғофур Ғулом, 2010. – 148 б.
15. Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан: Ўзбекистоннинг 20 йиллик мустақил тараққиёт йўлида киритган ютуқ ва натижалари, мамлакатимизнинг салоҳияти ва аҳамиятини аҳолининг кенг қатламларига етказиш, жойларда ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар, тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга ошириш учун мўлжалланган. / ЎЗР олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ЎЗР маҳалла жамғармаси; масъул ижодий гуруҳ. Бекмуродов А.Ш. ва бошқ. – Т.: Ўқитувчи, 2011. – 200 б.
16. Жумабоев Й. Ўзбекистонда фалсафий ва ахлоқий таълимотлар тараққиёти тарихидан. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – 116 б.
17. Зиёмуҳаммадов Б., Исмоилов Ф. Баркамол авлодни вояга етказиш сирлари. – Т.: Сано-стандарт, 2011. – 346 б.
18. Ижтимоий ҳимоя: атамалар изоҳли луғати. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007. – 321 б.
19. Имом ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. Саҳиҳи Бухорий: ал-жомеъ ас-саҳиҳ: (ишонарли тўплам): 2 китоб. /Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Абдулазиз Мансур таҳрири остида. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2008. Т. 1. 712 б. Т. 2. – 624 б.

- 20.Имом Бухорий. Ал-адаб ал -муфрад. – Т.: Ўзбекистон, 1990. – 236 б.
- 21.Имом ал-Бухорий. Сахиҳул Бухорий-1. – Т.: Nilol-Nashr, 2012. – Б. 133.
- 22.Имомназаров М., Эшмухамедова М. Миллий маънавиятимиз асослари. – Т.: ТИУ, 2001. – 430 б.
- 23.Имом ат-Термизий. Сунани Термизий. Т.1. – Т.: Қомус, 1998.
- 24.Комилов Н. Комил инсон – миллат келажаги. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 36 б.
- 25.Лутфулло Маҳмуд. Қуръони Карим мавзулари кўрсаткичи. –Т.: ТИУ, 2002. – 48 б.
- 26.Малик Тоҳир. Одамийлик мулки – Хусну хулқ.(Ахлоқ китоби). –Т.: Шарқ, 2014. – 936 б.
- 27.Маврулов А. Маънавий баркамол авлод тарбияси. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 80 б.
- 28.Маҳкамов У. Ахлоқ-одоб сабоқлари. – Т.: Фан, 1994. – 28 б.
- 29.Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати/ ЎЗР Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси, Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти; таҳрир ҳайъати: Султонов Х.ва бошқ.; тузувчи ва масъул муҳаррир Назаров Қ. – Т.: Гафур Гулом, 2009. –436 б.
- 30.Маърифат – тинчлик асоси. Тузувчи Раҳимжонов Д; Масъул муҳаррир Исломов З. – Т.: ТИУ, 2009. – 96 б.
- 31.Муродов Д. Ҳадисшунослик. Атама ва иборалар луғати. – Т.: ТИУ, 2009. – 96 б.
- 32.Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Одоблар хазинаси. – Т.: Шарқ, 2009.
- 33.Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. Ж. 2.– Т.: Шарқ, 2008. – 86 б.
- 34.Нававий Абу Закариё Яҳё ибн Шараф. Риёзус-солиҳийн. –Т.: Мовароуннахр, 2006. – 800 б.
- 35.Назаров Қ. Фалсафа қомусий луғати. – Т.: Шарқ, 2004. –457 б.

36. Назаров Қ., Қаршибоев М. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Гафур Гулом, 2009. – 402 б.
37. Носиров. О ва бошқалар. “Ан-Наъим” луғат. – Т.: Абдулла Қодирий, 2003. – 960 б.
38. Обидов. Р. Қуръон ва тафсир илмлари. – Т.: ТИУ, 2003. – 448 б.
39. Обидов. Р. Қуръон мавзуларининг маънавий-тарихий аҳамияти. – Т.: ТИУ. 2006. – 348 б.
40. Обидов Р. Суннат, ҳадис ва муҳаддислар. – Т.: Мовароуннаҳр, 2012. – 460 б.
41. Одилхонова Ш. Оммавий маданият таҳдиди. – Т.: Мухаррир, 2010. – 46 б.
42. Тарбия: ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 236 б.
43. Тўрақулова Э., Раҳимов С. Абу Райҳон Беруний: руҳият ва таълим-тарбия ҳақида. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 79 б.
44. Убайдуллаев Р.А. Ўзбекистон ёшлари: ижтимоий қиёфа. Масъул муҳаррир. – Т.: Ижтимоий фикр, 2008. – 130 б.
45. Уватов У. Донолардан сабоқлар. – Т.: Абдулла Қодирий, 1994. – 84 б.
46. Умаров Э., Абдуллаев М. Маънавият асослари. – Т.: Чўлпон, 2006. – 136 б.
47. Эргашев Қ. Ёшлар маънавий тарбияси. – Т.: Маънавият, 1998. – 36 б.
48. Ўзбекистон ёшлари: ижтимоий қиёфа. Масъул муҳаррир: Убайдуллаев Р.А. – Т.: Ижтимоий фикр, 2008. – 147 б.
49. Қуронов М., Абдувоҳидов А. ва б. Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан. – Т.: Маънавият, 2012. – 121 б.
50. Ҳасаний М. Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони. – Т.: Фан, 1998. – 98 б.

Араб тилидаги манба ва адабиётлар

1. Доктор Ваҳба ибн Мустафо аз-Зухайлий. “ Тафсирул мунир фил ақида ваш шариъа вал манҳаж” тафсири. Жузь 17. – Дамашк: Дар ал-фикр. 2009 й. – 320 б.
2. Абул-баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд ан-Насафий ал-Ҳанафий. “Мадорикут-танзил ва ҳақоикут-таъвил” тафсири. Жузь 1. – Истанбул. 1324 ҳ.й. – 744 б.
3. Абул-лайс Наср ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Самарқандий. “Баҳрул – улум” тафсири. – Байрут. 1993 й.
4. Абул-фидо ал-Ҳофиз Ибн Касир ад-Димашқий. “Тафсирул-Қуръонил азим” тафсири. Жузь 1. – Байрут. 1988 й. – 614 б.
5. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад./Таҳрир ҳайъати: У. Алимов ва бошқалар. –Т.: Мовароуннаҳр. 2013. – 316 б.
6. Имом Нававий. Риёз ас-солиҳин мин калом саййид ал-мурсалин. – Байрут: Мактаба дор ал-минҳож, 2006. – 656 б.
7. Субҳий Абдуррауф Ҳасор. “Ал-мўъжамул мавзуй ли аятил Қуръанил карим”. – Қоҳира. Дар ла-фазила. 1990. – 832 б.
8. Маждуддин Муҳаммад ибн Яъқуб Ферузободий. Ал-қомус ал-муҳит. – Байрут: Дар ал-маърифат, 2005. –1437 б.
9. Ал-мунжид. – Байрут: Дар ал-машриқ, 2008. – 974 б.

Рус тилидаги

1. Бьюкенен П. Смерть Запада. – Москва: Гардарики, 2004. – 116 с.
2. Шагинская Е.Н. Массовая культура XX века: очерк теорий. – Москва: 2000. – 120 с.
3. Гусейнов А. Великие моралисты. – Москва: Наука, 1995. – 36 с.
4. Кант И. Лекции по этике (1780-1782). // Этическая мысль. Научно-публицистические чтения. – Москва: Ипл, 1990.– 322 с.
5. Ислам энциклопедический словарь. - М.: Наука, 1991. –33 с.
6. Попов Л.А. Этика. Курс лекции. – Москва: Центр, 1998. – 102 с.

7. Умаров Э.У. Этика. – Т.: Издательство Чулпан, 2005. – 35 с.
8. Хасан Афанди. Суфийская этика “Хуласатул Адаб” – Москва: Мягкая обложка, 2001. – 144 с.

Диссертация ва авторефератлар

1. Абдуллаев А. Абул-л-лайс Самарқандийнинг Мовароуннаҳр тафсирунослигида тутган ўрни. Тар. фан. ном. ...дис.автореф. – Т.: ЎзР Вазирлар Маҳкаси ҳ. ТИУ Ислошунослик илмий тадқиқот маркази, 2007. – 28 б.
2. Норматова Д. Ахлоқий мероснинг шахс маънавий юксалишидаги ўрни. Фал.фан.ном. ...дис.автореф. – Т.: ЎзР ФА. Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2011. – 25 б.
3. Обидов Р. Қуръони мавзуларининг маънавий-тарихий аҳамияти. Тар. фан. док. ...монография. – Т.: ТИУ, 2006. – 448 б.
4. Пардаева М. Алишер Навоий асарларида комил инсон ғояси. Фал.фан.ном. ...дис.автореф. – Т.: ЎзР ФА. Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2010. – 24 б.
5. Жўраева М. Ахлоққа оид ҳадисларнинг комил инсон шаклланишидаги аҳамияти. Магис...дис. – Т.: ТИУ, 2013. – 85 б.

Интернет сайтлари

1. <http://ziyonet.uz>.
2. <http://tiu.uz>.
3. <http://ziyouz.com>.
4. <http://islom.uz>.
5. <http://fiqh.uz>.
6. <http://muslim.uz>.
7. <http://arabic.uz>.
8. <http://uath.org>
9. <http://ru.wikipedia.org/wiki>
10. <http://islam-book.info>

Иловалар

Илова.№ 1.

Қуръони каримдаги ахлоқ-одобга оид оятлар:

| № | Мақталган ахлоқлар | Сура ва оятлар |
|---|---|--|
| 1 | Сабр қилиш الصبر | Бақара-45, 153, 155, 156,177, 250. Оли Имрон-125, 142, 146, 186, 200. Аъроф-87, 126, 128, 137. Анфол-66. Юнус-109. Худ-11, 49, 110. Юсуф-83, 90.Раъд-22, 24. Иброҳим-5, 12. Наҳл-42, 96, 126-127. Каҳф-28, 69. Марям-65. Тоҳа-130, 132. Анбиё-85. Ҳаж-35.Мўъминун-111. Фурқон-20, 75. Қасас- 54, 80. Анкабут-59. Рум-60. Лукмон-17, 31. Сажда-23. Аҳзоб-35. Сабаъ-19. Соффат-102. Сод-17, 44. Зумар-10. Ғофир-55, 77. Фуссилат-35. Шуро-23, 43. Аҳкоф-35. Муҳаммад-31. Хужурот-5. Қоф-39. Тур-48. Қалам-48.Маъориж-5. Музаммил-10. Мудассир-7. Инсон-24. Балад-17. Аср-3. |
| 2 | Шукр қилиш الشكر | Фотиха-1.Бақара-40, 47, 51-52, 55-56, 122, 152, 172, 185.Оли Имрон-145. Нисо-147. Моида-7, 11, 20. Аъроф-58, 144. Анфол-26. Юсуф-38. Иброҳим-5-6-7, 34, 37. Наҳл-14, 78, 114, 121. Анбиё-80. Ҳаж-36. Мўъминун-28-29. Фурқон-62. Намл-40, 59, 93. Қасас-70,73.Анкабут-17, 63. Рум-46. Лукмон-12, 14, 25, 31. Сажда-9. Аҳзоб-9. Сабаъ-13, 15, 19. Фотир-1, 12. Ёсин-73. Соффат-182. Зумар-7, 29, 65-66. Шуро-33. Зухруф-13. Жосия-12. Аҳкоф-15.Қомар-34-35. Воқиъа-70. Тағобун-1. Мулк-23. Зуҳо-11. |
| 3 | Ота-онага яхшилик қилиш برّ الوالدين | Бақара-83. Нисо-36. Анъом-151. Исро-23-24. Каҳф-81-82. Марям-14, 32. Анкабут-8. Лукмон-14-15. Аҳкоф-15. |
| 4 | Қариндошларга яхшилик қилиш الاحسان للأقارب | Бақара-83. Нисо-8, 36. Анфол-41. Наҳл-90. Исро-26. Рум-38. Тур-29. Ҳашр-7. |
| 5 | Етим ва мискинларга яхшилик қилиш | Бақара-83,220. Нисо-2, 6-7-8, 10, 26, 36, 127. Анъом-152. Анфол-41. Исро-26, 34. Каҳф-82. Рум-38. Ҳашр-7. Инсон-8. Зуҳо-9. |

| | | |
|----|--|---|
| | الاحسان لليتامي والمساكين | |
| 6 | Қўшниларга яхшилиқ қилиш الاحسان للجار | Нисо-36. |
| 7 | Фарзандларга яхшилиқ қилиш الاحسان إلى الابناء | Марям-7. Лукмон-13, 19. Тур-26. |
| 8 | Аҳли аёлига яхшилиқ қилиш الحسان إلى الزوجات | Бақара-187, 222-223. Нисо-19. Мўъминун-6, 22. Талоқ-1-2, 6-7. |
| 9 | Яхши гап гапириш الكلام الطيب | Бақара-83. Нисо-9. Моида-83-84-85. Иброҳим-25-26-27. Исро-53. Каҳф-88. Тоҳа-44. Ҳаж-24. Фурқон-63. Аҳзоб-32, 70-71. Фотир-10. Сод-20. Фуссилат-33. Муҳаммад-21. |
| 10 | Авф этиш ва кечиримли бўлиш العفو والصفح | Бақара-109. Оли Имрон-134, 159. Нисо-49. Моида-13, 28. Юсуф-92, 98. Ҳижр-85. Нур-22. Шуро-37, 40, 43. Зухруф-89. Жосия-14. Тағобун-14. |
| 11 | Ростгўйлик الصدق | Бақара-177. Моида-119. Аъроф-105. Тавба-119. Юсуф-51. Каҳф-29. Марям-50, 56. Шуъро-84. Анкабут-3. Аҳзоб-8, 23-24. Зумар-33. Хужурот-15,17. Ҳадид-19. Ҳашр-8. |
| 12 | Илм ва илм олишга рағбат العلم | Юнус-5. Наҳл-43-44. Каҳф-65-66, 85. Марям-43. Тоҳа-114. Анбиё-80. Фурқон-59. Намл-15-16, 40. Қасас-13-14. Анкабут-43, 49. Рум-22, 56. Сабъ-6. Фотир-28. Сод-20. Зумар-9. Муҳаммад-19. Фуссилат-3. Жумуъа-2. Мужодала-11. Қалам-1. Аъбаса-8. Алақ-1-5. Такасур-5. |
| 13 | Ҳаё ҳақида الحياء | Марям-22-23. Қасас-25. |
| 14 | Шижоат(мардлик) ҳақида الشجاعة | Тоҳа-46, 68, 77, 112. Намл-10. Қасас-31. Аҳзоб-39. Зумар-36. Жин-13. |
| 15 | Поклик التطهر | Бақара-222. Нисо-43. Моида-6. Анфол-1. Аҳзоб-33. Мудассир-4. |
| 16 | Омонатдорлик أداء الأمانة | Бақара-283. Оли Имрон-75. Нисо-58. Мўъминун-8. Шуъро-106-107, 125, 143, 178. Қасас-26. Аҳзоб-72. Маориж-32. |
| 17 | Ислоҳ қилиш الإصلاح | Бақара-182, 224. Нисо-35, 85, 114, 128-129. Аъроф-35, 142. Анфол-1. Худ-88, 117. Қасас-83. Хужурот-9-10. |

| | | |
|----|---|---|
| 18 | Ўзаро маслаҳатлашиб иш кўриш التشاور | Оли Имрон-159. Юсуф-54. Намл-29, 32. Шуро-38. Хужурот-7. |
| 19 | Адолатли бўлиш الحكم بالعدل | Нисо-58, 135. Моида-8, 32. Анъом-152. Аъроф-29, 181. Наҳл-76, 90, 126. Сод-22, 26. Шуро-15. Хужурот-9. Роҳман-9. Хадид-25. Мумтаҳана-8. |
| 20 | Ваъдага вафо қилиш الوفاء بالعقود والعهود | Моида-1. Исро-34. Марям-54. Мўъминун-8. Аҳзоб-23-24. Фатҳ-10. Мумтаҳана-10. Маориж-32. |

Қуръони каримдаги ёмон ахлоқларга оид оятлар:

| | | |
|---|--|---|
| 1 | Зулм ҳақида الظلم | Бақара-35, 57, 92. Нисо-168. Юнус-13, 14, 54. Юсуф-79. Ҳижр-78. Каҳф-59. Марям-38. Тоҳа-111. Анбиё-14, 97. Фурқон-19. Намл-14, 85. Қасас-59. Анкабут-14, 31. Рум-57. Аҳзоб-72. Фотир-32. Ғофир-52. Шуро-42. Аҳқоф-12. Зорият-59. Тур-47. Нажм-52. Жумуъа-5. Талоқ-1. |
| 2 | Бахиллик ҳақида البخل | Оли Имрон-180. Нисо-37. Тавба-34-35, 67. Исро-29,100. Фурқон-67. Аҳзоб-18-19. Фотир-32. Муҳаммад-37-38. Қоф-25. Нажм-34-35, 44. Хадид- 24. Ҳашр-9. Мунофиқун-7. Тағобун-16. Қалам-12. Ҳаққо-24. Маориж-17-18, 21. Мудассир-17, 44. Фажр-17-18. Лайл-8-11. Маъун-7. |
| 3 | Хасад қилиш الحسد | Нисо-32, 44. Анъом-53. Ҳижр-88. Тоҳа-131. Фалақ- 5. |
| 4 | Бўхтон қилиш البيهتان | Нисо-112, 156. |
| 5 | Ўғирлик السرقه | Моида-38. Мумтаҳана-12. |
| 6 | Хиёнат қилиш الخيانه | Нисо-105-109. Анфол-27, 58, 71. Юсуф-52. Ҳаж-38. Таҳрим-10 |
| 7 | Ёмонликка бууриб, яхшиликдан қайтариш الأمر بالمنكر والنهي عن المعروف | Тавба-67. Наҳл-90. Сабаъ-33. Зумар-64. Ғофир-41-42. Мунофиқун-7. Алақ-9-10. |
| 8 | Ғазабланиш | Анбиё-87. Фатҳ-26. Қалам-48. |

| | | |
|----|--|---|
| | الغضب | |
| 9 | Ёлғончилик الكذب | Юсуф-17. Нахл-105. Мўъминун-90. Анкабут-3, 12. Зумар-3, 28. Мужода-2, 16-18. Ҳашр-11. Соф-2-3. Мунофиқун-1. |
| 10 | Ғийбат қилиш الغيب | Нисо-148. Юсуф-30, 77. Хужурот-12. |
| 11 | Озор бериш التعذيب | Иброҳим-6. Марям-46. Тоҳа-71. Анбиё-68-69. Шуаъро-49-50, 116. Анкабут-24. Ёсин-18. Соффат-97. Сод-38, 41. Қамар-29. Буруж-4-8, 10. Шамс-14. |
| 12 | Ёмон сўз сўзлаш الكلام الخبيث | Иброҳим-26. Марям-77, 88. Фурқон-4-8. Фатҳ-115. |
| 13 | Ота-онага зулм қилиш إرهاق الوالدين | Каҳф-80. Марям-14, 32. Аҳкоф-17. |
| 14 | Ихтилоф(кишила р орасини бузиш) ҳақида الاختلاف | Марям-37. Анбиё-93. Намл-45, 76. Сажда-25. Сод-2. Зумар-46. Фуссилат-45. Шуро-13-14. Зухруф-65. Жосия-17. Зорият-8. Ҳашр-14. Баййина-1-4. |
| 15 | Мағрурланиш الغرور | Қасас-78. Луқмон-33. Сабаъ-35. Фотир-5. Сод-2. Зумар-49. Ғофир-83. Фуссилат-15, 50. Шуро-14. Зухруф-51. Тур-37. Қамар-44. Хадид-14, 20. Мумтаҳана-3. Мулк-20. Ҳаққо-28-29. Нух-21. Инфитор-6. Балад-5. Ҳумаза-2-3. Масад-2. |
| 16 | Қалбнинг қаттиқлиги (шафқатсизлик) قسوة القلب | Ҳаж-53. Зумар-22. Нажм-60-61. Хадид-16. Мудассир-53. Мутоффифин-14. Иншиқоқ-20-21. Маъун-2 |
| 17 | Жоҳиллик (нодонлик) الجهل | Юнус-79. Ҳуд 29, 46. Юсуф-21, 40, 68. Нахл-38, 74-75. Намл-55, 61. Қасас-55. Рум-6-7, 29-30, 59. Луқмон-6, 25. Аҳзоб-72. Сабаъ-28-36. Зумар-29, 64. Ғофир-57. Духон-39. Жосия-26. Аҳкоф-23. Фатҳ-15. Хужурот-6. Тур-47. Нажм-36. Ҳашр-13. Мунофиқун-3, 7-8. |
| 18 | Шукр қилмаслик عدم الشكر | Юнус-60. Юсуф-38. Нахл-55, 71-72, 83, 112. Мўъминун-78, 82-83. Намл-4, 66-69, 73. Анкабут-67. Луқмон-32. Сабаъ-15-17. Зумар-8. Ғофир-6. Фуссилат-15, 28, 51. Шуро-48. Зухруф-50. Аҳкоф-26. |
| 19 | Рибо الربا | Бақара-275-280, Оли Имрон-130. Нисо-161. Рум-39. |

| | | |
|----|--------------------|---|
| 20 | Қўрқоқлик الخوف | Қасас-57. Ахзоб-19, 23. Муҳаммад-20. Ҳашр-2, 13. Мунофиқун-3. Маориж-19. |
|----|--------------------|---|

Илова. № 2.

Қуръони каримда ҳарфлар, сўзлар ва сонларнинг мувофиқлиги

| № | Қуръони каримдаги сўзлар | Такрорланиш сони | № | Қуръони каримдаги одоб-ахлоққа доир сўзлар | Такроланиш Сони |
|----|--|------------------|----|--|-----------------|
| 1 | Дунё الدنيا | 115 | 1 | Имон ايمان | 811 |
| 2 | Охират الآخرة | 115 | 2 | Илм علم | 782 |
| 3 | Шайтон شيطان | 68.88 | 3 | Маърифат معرفة | 29 |
| 4 | Фаришта ملائكة | 68.88 | 4 | Илм ва маърифат علم و معرفة | 811 |
| 5 | Ўлим موت | 145 | 5 | Бахтсизлик الشدة | 102 |
| 6 | Ҳаёт حيات | 145 | 6 | Сабр الصبر | 102 |
| 7 | Дин الدين | 92 | 7 | Кечириш المغفرة | 234 |
| 8 | Масжид المسجد | 92 | 8 | Куфр الكفر | 25 |
| 9 | Осмоннинг етти қаватлиги سبع السماوات | 7 | 9 | Имон ايمان | 25 |
| 10 | Осмон ва ернинг олти кунда яратилганлиги خلق السماوات و الأرض في ستة أيام | 7 | 10 | Баракот بركة | 32 |
| 11 | Саф-қатор صف | 7 | 11 | Закот الزكاة | 32 |
| 12 | Қадр القدر | 30 | 12 | Шафқатлилар الأبرار | 6 |
| 13 | Улар айтдилар قالوا | 332 | 13 | Гуноҳкорлар الفجار | 3 |
| 14 | Айтинг قل | 332 | 14 | Ақл العقل | 49 |

| | | | | | |
|----|--------------------------------|-----|----|--------------------------------|-----|
| 15 | Жазо جزى | 117 | 15 | Нур النور | 49 |
| 16 | Элчи رسول | 368 | 16 | Тил اللسان | 25 |
| 17 | Пайғамбар نبي | 75 | 17 | Насихат الموعزة | 25 |
| 18 | Хушхабар келтирувчи مبشر | 18 | 18 | Фойда النفع | 50 |
| 19 | Огоҳлантирувчи نذير | 57 | 19 | Бузғунчилик الفساد | 50 |
| 20 | Ой شهر | 12 | 20 | Мукофот الأجر | 107 |
| 21 | Кун يوم | 365 | 21 | Қилмиш الفاعل | 107 |
| 22 | Алиф-Лом-Мим الم | 7 | 22 | Муҳаббат المحبة | 83 |
| 23 | Ҳо-Мим حم | 7 | 23 | Итоат الاطاعة | 83 |
| 24 | Ўсимлик نبات | 26 | 24 | Тақдир المصير | 28 |
| 25 | Дарахт شجرة | 26 | 25 | Мушибат المصيبة | 75 |
| 26 | Ёз-иссиқ صيف و حر | 5 | 26 | Шукр الشكر | 75 |
| 27 | Қиш-совуқ شتاء و برد | 5 | 27 | Тўғри йўлга бошлаш الهدى | 79 |
| 28 | Абадий أبد | 28 | 28 | Шафқат الرحمة | 79 |
| 29 | Қуёш الشمس | 33 | 29 | Ғам الهم | 13 |
| 30 | Нур النور | 33 | 30 | Шодланмоқ الفرح | 13 |
| 31 | Эркак رجل | 23 | 31 | Хиёнат الخيانة | 16 |
| 32 | Аёл مرأة | 23 | 32 | Қабих الخبيث | 16 |
| 33 | Инсон الانسان | 65 | 33 | Жаннат الجنة | 77 |
| 34 | Тупроқ طين | 17 | 34 | Жаҳаннам الجهنم | 77 |
| 35 | Нутфа نطفة | 12 | 35 | Қуръон القرآن | 80 |

| | | | | | |
|----|------------------|----|----|----------------|----|
| 36 | Эмбрион علق | 6 | 36 | Вахий الوحي | 80 |
| 37 | Музфо مضغة | 3 | 37 | Хамр الخمر | 6 |
| 38 | Эт (лаҳм) لحم | 12 | 38 | Сархушлик | 6 |
| 39 | Куруқлик بر | 13 | 39 | | |
| 40 | Денгиз بحر | 32 | 40 | | |

Илова. № 3.

Қуръони каримда зикр этилган пайғамбарлар алайҳимуссалом

| № | Пайғамбарларнинг исмлари (алайҳимуссалом) | Неча марта зикр этилгани | № | Пайғамбарларнинг исмлари | Неча марта зикр этилгани |
|----|---|-----------------------------------|----|-----------------------------|-----------------------------------|
| 1 | Иброҳим (а.с) | 69 | 14 | Лут (а.с) | 27 |
| 2 | Исмоил (а.с) | 12 | 15 | Одам (а.с) | 25 |
| 3 | Исҳоқ (а.с) | 17 | 16 | Ҳорун (а.с) | 20 |
| 4 | Мусо (а.с) | 136 | 17 | Сулаймон (а.с) | 17 |
| 5 | Нух (а.с) | 43 | 18 | Ёқуб (а.с) | 16 |
| 6 | Юсуф (а.с) | 27 | 19 | Довуд (а.с) | 16 |
| 7 | Исо (а.с) | 25 | 20 | Айюб (а.с) | 4 |
| 8 | Шуайб (а.с) | 11 | 21 | Юнус (а.с) | 4 |
| 9 | Солиҳ (а.с) | 9 | 22 | Илёс (а.с) | 2 |
| 10 | Ҳуд (а.с) | 7 | 23 | Идрис (а.с) | 2 |
| 11 | Закариё (а.с) | 7 | 24 | Зул-Кифл (а.с) | 2 |
| 12 | Яҳё (а.с) | 5 | 25 | Муҳаммад (Аҳмад) (с.а.в) | 5 |
| 13 | Ал-Йасаъа | 2 | | | |

Фарзанднинг ота-она олдидаги бурчлари

1. Тан билан хизматда бўлиш
2. Тил билан хизматда бўлиш
3. Дил билан хизматда бўлиш
4. Мол билан хизматда бўлиш
5. Ота-она вафотидан сўнг ...


1. Тан билан хизматда бўлиш

1. Хар доим ота-она хизматида ҳозир бўлиш
2. Гуноҳ бўлмайдиган ишга буюришса, дарҳол бажо келтириш
3. Бирор иш қилишдан олдин уларнинг розилигини олиш
4. Бирор ишни бажаришдан қайтаришса (агар гуноҳ бўлмаса) уни қилмаслик
5. Уларни кўрганда ўрнидан туриш ва ўтирганларидан сўнг ўтириш
6. Уларни исмларини айтиб чақирмаслик, ҳазил-мазаҳ қилмаслик
7. Бирга юрганда бир қадам орқада юриш
8. Уларнинг ҳузурида қовоқ солмаслик, ҳўмрайиб қарамаслик
9. Чақиршса, "лаббай" деб, тез етиб бориш
10. Улар иш буюрса, малол олмаслик

2.Тил билан хизматда бўлиш



3.Дил билан хизматда бўлиш



4. Мол билан хизматда бўлиш

1. Ўзига кийим олганда уларга ҳам олиш
2. Ўзи еган таомидан уларга ҳам бериш
3. Улар билан овқатланганда мазали жойини таклиф қилиш
4. Ҳожатлари учун молдан доим бериб туриш
5. Орзу-ниятлари бўлса, амалга ошириш
6. Улар хоҳлаган нарсаларни тез-тез таклиф этиш
7. Уларнинг дўстларини дўст тутиш
8. Бемор бўлсалар, Аллоҳдан шифо сўраш
9. Мол-мулкдан фойдаланиш ихтиёрини бериш
10. Уларнинг дунёвий эҳтиёжларини муҳайё қилиш

5. Ота-она вафотидан сўнг...



СЎЗЛАРНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

1. **АКМЕ ШАХС** – бугунги кунда “акме шахс” деган тушунча ҳам илмий муомалада мавжуд бўлиб, у муайян бир соҳанинг ҳақиқий билимдони, шу билан биргаликда, техник фанларни ҳам яхши билувчи, ахлоқ ва одобда баркамол, замон талабига жавоб берадиган кишига нисбатан қўлланилмоқда. Буларга мисол қилиб, Нобель ва Давлат мукофотларининг совриндорлари, жаҳон чемпионлари, мамлакат қаҳрамонлари ҳамда ўз ишининг устаси бўлиб, эл-юрт ҳурматиغا сазовор бўлган кишиларни олсак бўлади. Бу жараёни тадқиқ қиладиган янги илм-фан тармоғи “Акмеология” дейилиб, у илм-фан майдонида ўз ўрнини эгаллашга ҳаракат қилмоқда.

2. **АЛАЙҲИССАЛОМ** (араб. - унга салом бўлсин) - исломда пайғамбарлар номи тилга олинганда айтиладиган ибора. Бу ибора барча пайғамбарлар, жумладан, Муҳаммад (сав) номи тилга олинганда ҳам айтилади. Аммо, мазкур иборанинг иккинчи тури - "Соллаллоҳу алайҳи васаллам" ("Аллоҳ таоло ул зотга ўзининг салавот ва саломини йўлласин") ҳам мавжуд бўлиб, у фақат Муҳаммад (сав)га нисбатан айтилади.

3. **АЛЬТРУИЗМ** (*франц.* Altruisme, лот. alter — бошқа) — эгоизмга қарама-қарши ахлоқий принцип бўлиб, у бошқа кишиларга беғараз хизмат қилишдан, уларнинг бахт-саодати учун ўз шахсий манфаатларини қурбон этишдан иборат.

4. **АМОРАЛИЗМ** (*лот.* a — йўқ, moralis — ахлоқ) — кишилар муносабатларида ахлоқ меъёрларини инкор этиш, умумэтироф этилган хулқ-атвор мезонларига енгил-елпи муносабатда бўлиш.

5. **АХЛОҚ** (араб, хулқнинг кўплиги; лот. moralis — хулқ-атвор) — ижтимоий онг шаклларида бири. Кишиларнинг тарихан таркиб топган хулқ-атвори, юриш-туриши, ижтимоий ва шахсий ҳаётдаги ўзаро, шунингдек, жамиятга бўлган муносабатларини тартибга солиб турувчи барқарор, муайян норма ва қоидалар йиғиндиси.

6. **ИЕРАРХИЯ** (юн. hieros—муқаддас ва arche—ҳокимият)—қоинотнинг тузилишидан то давлат, жамият, табиат, турли тизимлар ва ташкилотларнинг қуйидан юқорига кўтарилиши ёки юқоридан қуйига, оддийдан мураккаб ёки мураккабдан оддий тузилмаларга етгунча мавжуд зиналар, даражалар, тартиблар йўналиши.

7. **ИЖТИМОИЙ МУНОСАБАТЛАР** - одамлар ўртасидаги турли алоқалар бўлиб, бундай муносабатлар уларнинг биргаликдаги моддий ва маънавий фаолияти натижасида қарор топади.

8. **ИМОН** (араб. - ишонч, эътиқод) -ислом динида Аллоҳга, унинг фаришталари, китоблари, пайғамбарлари, қиёмат куни, тақдир ва ўлгандан кейин тирилишга ишониш.

9. **ИНДИВИДУАЛИЗМ** (лот. individuum—бўлинмас) — инсон шахсий ҳаётининг алоҳидалилиги, шахс ҳуқуқларининг мутлақлигини ва автономиясини ифодаловчи фалсафий ахлоқий тамойил.

10. **ИНЪИКОС** — нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро таъсирлашуви асосида ҳосил бўладиган ҳодиса, ҳолат, жараён ва ўзгаришни ифодалайдиган тушунча. Бу категория фалсафада муҳим ўринга эга бўлиб, онг, тафаккур ва билиш жараёнини тушунтиришга хизмат қилади.

11. **ИСЛОМ ФУНДАМЕНТАЛИЗМИ** - Қуръон ва ҳадисларни ўз манфаатлари йўлида нотўғри талқин этувчи, замонга мос ижтиҳодларни қабул қилмаган илк исломга нотўғри тушунча билан қайтишга қаратилган ўз ақидаларини кенг тарғиб қилувчи, диний консерватив руҳдаги йўналишга нисбатан ишлатиладиган (шартли ибора, чунки фундаментализм ислом ақидаларига зид тушунча) атама.

12. **КАТЕГОРИЯЛАР** (юн. kategoria — белги, изоҳлаш) — фалсафий тафаккур учун ниҳоятда муҳим, оламдаги ўзгариш, ривожланиш, алоқадорлик ва узвий боғлиқдикка хос умумий жиҳатларнинг инъикоси; нарса ва ҳодисаларнинг ўзига хослиги, ўхшашлиги ва фарқларини, барқарорлиги ва ўзгаришини аниқлаш учун, билишнинг асосини ташкил этувчи энг умумий тушунчалар.

13. **КОНСЕРВАТИЗМ** (*лот.* conserv — саклаб қолмоқ) — ижтимоий ҳаётнинг мавжуд ҳолатини, тартиб ва қоидаларини, эскиликни саклаб қолиш ва янгиликка, ўзгаришга қаршилик қилиш.

14. **МАФКУРА** (араб. — фикрлар мажмуи) — муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, жамият, давлат манфаатлари, орзу-истак ва мақсад-муддаолари ифодаланган ғоявий-назарий қарашлар ва уларни амалга ошириш тизими.

15. **МИЛЛИЙ ҒОЯ** — миллатнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболини ўзида мужассамлаштирган, унинг туб манфаатлари ва мақсадларини ифодалаб, тараққиётга хизмат қиладиган ижтимоий ғоя шакли. Миллий ғоя ўз моҳиятига кўра, халқ, миллат тақдирига дахлдор бўлган, қисқа ёки узок муддатда ҳал этилиши керак бўлган вазифалар ва мўлжалларни ҳам акс эттиради.

16. **МОТИВ** (*лот.* moteo — ҳаракатлантираман, француз, *motiv* — ундовчи сабаб) шахсни аклий, амалий ҳаракатга ва хулқ-атворни амалга оширишга ундовчи, муайян эҳтиёжларни қондириш билан узвий боғлиқ майл ёки сабабият.

17. **ОММАВИЙ МАДАНИЯТ** — Оммавий маданиятни Ғарб маданияти билан боғлиқ ҳодиса деб тушуниш, шунингдек, уни ғоясизлик, сифатсизлик ва дидсизлик намунаси сифатида баҳолаш кенг тарқалган. Таъсир этишнинг нозик ва қудратли қуролига айланган реклама, мода каби воситалар ёрдамида оммавий истеъмол маданиятини, интеллектуал фаолият жисмоний меҳнатни ҳар соҳадан сиқиб чиқаришга уриниш.

18. **ОЯТ** (араб. - илоҳий белги, мўъжиза) -Қуръон сураларининг бандлари. Исломга кўра, Оят Аллоҳнинг ўз элчиси Муҳаммад(сав)га ваҳий қилиб, бандаларга қўлланма сифатида юборган фармойиши, мўъжизаси. Қуръоннинг VII асрга оид илк нусхаларидаёқ суралар оятларга бўлинган ва ҳар сура доирасида тартиб билан рақамланган. Қуръон оятларининг сони 6236 та экани кўпроқ манбаларда қайд этилган.

19. **СЕПАРАТИЗМ** (*фр.* Separatism, *лот.* separatus – алоҳида, ажратилган) сиёсий ажралиб чиқишга, алоҳида бўлишга интилиш; давлатнинг бир қисмини ажратиб олиб, янги давлат тузилмасини тузиш ёки мамлакатнинг бир қисмини

мухториятга айлантириш ҳаракати. Сепаратизм ҳаракатлари кўпинча ички сабабларни кўпайтирувчи, гижгижловчи, ўз мақсадлари йўлида фойдаланувчи кучлар сепаратизмнинг пайдо бўлиши ва кучайишига олиб келади.

20. **СИЙРАТ** (араб. - ҳаёт йўли, таржимаи ҳол) -Мухаммад(сав) ҳаёт йўлини баён қилишга бағишланган, илк ислом даврида вужудга келган диний-тарихий асарларнинг умумий номи. Дастлаб сийратлар кўп бўлган, уларнинг анчаси йўқолиб кетган. Улардан Воқидий (747-823)нинг "Китоб ал-мағозий" ("Ҳарбий юришлар китоби") ва аввалги сийраларни умумлаштирган Ибн Исҳоқ ва Ибн Ҳишомнинг "Сийрат Расул Аллоҳ" ("Аллоҳ элчисининг ҳаёт йўли") асарлари бизгача етиб келган.

21. **СУРА** (араб. - тизма, қатор, қўрғон, манзил ва шараф маъносида) - Уламолар истилоҳида эса, Сура - Қуръон оятларининг бошланиш ва тугаши белгиланган мустақил тоифаси(қисми)дир. Бошқача қилиб айтганда, Қуръон оятларининг қўрғон ила ўралгандек бир қисмига сура,- дейилади. Қуръон суралардан иборатдир. Қуръонда 114 та сура бўлиб, улардан ҳар бирининг ўз номи бор. Баъзи сураларнинг исми суранинг аввалидаги сўздан олинган. Баъзилариники эса, ўша сурада зикри кўпроқ келган нарсаларнинг номига қўйилган.

22. **ХУЛҚ** — Шахс ҳаёт тарзининг ўзига хослигини, унинг фаолиятида ахлоқий қадриятлар тамойиллари нечоғли ўзлаштирилганлиги, одоб меъёрлари қай тарзда амалий аҳамият касб этганлигини ва аксинча, одоб-ахлоққа зид бўлган хислатлар мавжудлигини кўрсатиб туради.

23. **ЭГОИЗМ** (*фр.* Egoisme, *лот.* ego – мен) худбинлик. ..ўзларининг ғаразли манфаатларини кўзлаб.. яккалик ва эгоизмни зўр бериб авж олдирадилар.

24. **ЭТИКА** (*лот.* Ethica, *юн.* ethos – урф-одат, хулқ-атвор) **1** Ахлоқ ва унинг шахс ҳамда жамият ҳаётидаги ўрнини, ахлоқнинг шаклланиш шарт-шароитларини ва шаклларини ўрганувчи фалсафий таълимот.**2** Бирор синф, ижтимоий гуруҳ ёки бирор касб эгаларига хос одоб-ахлоқ, унинг меъёрлари ва қоидалари мажмуи. *Масалан: Касб этикаси.*

25. **ҚАДРИЯТ** — Жамият, инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарса, ходиса ва воқеалар: эркинлик, эзгулик, тенглик, тинчлик, ҳақиқат, маърифат, маданият, моддий ва маънавий бойликлар, обида-ёдгорликлар, гўзаллик, ахлоқий хислат ҳамда фазилатлар, анъана, урф-одат, удум ва бошқалар ҳисобланади. Қадриятлар умумбашарий, умуминсоний, миллий, минтақавий, шахсий бўлиши мумкин.

26. **ҚУРЪОН** (араб. - ўқимоқ, қироат қилмоқ жамлаш) – Ислom динининг муқаддас китоди. "Улумул Куръон" илми уламолари Куръони каримни қуйидагача таърифлайдилар: "Қуръон - Аллоҳ таолонинг Муҳаммад (сав)га ваҳий орқали араб тилида нозил қилган, мусҳафларда битилган, ўқилиши ибодат бўлган, мутавотир¹⁷⁰ ила нақл қилинган, "фотиҳа" сураси ила бошланиб "Нас" сураси билан тугалланган ожиз қолдирувчи каломидир".

27. **ҲАДИС** (араб. - "хабар", "янгилик" маъносида) - Муҳаммад (сав)нинг айтган сўзлари, қилган ишлари, тақрирлари (маъқуллаш ё индамаслик) ёки сифатларини ўзида мужассам этган хабар ва ривоятлардир. Ҳадис икки қисмдан иборат бўлади: матн¹⁷¹ ва иснод¹⁷² (яъни ҳадис матнига олиб борадиган ровийлар занжири). Ҳадислар икки турга бўлинади: 1. Ҳадиси қудсий – маъноси илоҳий, лафзи Расулуллоҳ (сав)га тегишли бўлади; 2. Ҳадиси набавий (юқорида келтирилган ҳадис таърифидир). Ҳадислар эътиборга олиниши жиҳатидан яна уч қисмга бўлинади: 1. Саҳиҳ – (араб. – соғлом, ишончли) исноди бошидан охирига қадар адолатли, аниқлик эгаси бўлган кишининг ўзи каби кишилардан ривоят қилган, шоз (бир ровий ўзидан кучлироқ ровийга муҳолиф бўлиши) ва иллат (санад ёки матндаги ноқислик) бўлмаган ҳадисдир. 2. Ҳасан – (араб. – чирой, ҳусн, яхши) саҳиҳ талбига жавоб берган, лекин забти (аниқлиги) пастроқ ровийнинг ривояти. 3. Заиф – (араб. – кучсиз, нимжон) саҳиҳ шартларидан бирортасини йўқотган ва ҳасан даражасига етмаган ҳадисдир.

¹⁷⁰ Мутаवотир сўзи луғатда "кетма-кет, узлуксиз" деган маънони англатади. Истелoҳда эса "Ёлғонга йўл кўйиши мумкин бўлмаган, ростгўйлиги эътироф этилган даражадиги кўпчилик кишиларнинг ўзлари каби кишилардан нақл қилган ривоятдир."

¹⁷¹ Матн сўзи луғатда "мустаҳкам, ердан кўтарилган нарса" деган маънони англатади. Истелoҳда эса "Иснод тугаган жойдан бошланган пайғамбар (сав)нинг ёки боқанинг сўзига айтилади".

¹⁷² Иснод (санад) сўзи луғатда "таянч, асос" деган маънони билдириб, истелoҳда "Ҳадис матнига олиб борадиган ровийлар занжирига санад -деб аталади".

